201__
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

O'zingni angla!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019-yil 27-mart, chorshanba ✱ № 2 (1116) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

МУРАББИЙ СЕҲРГАР ЭМАС, ЛЕКИН...

Албатта, футболчиларни танлаш — мураббийнинг қарори. Натижа бўйича ҳам у жавобгар. Мураббийнинг фалсафаси, ғояларини амалга ошириши мумкин бўлганлар эса футболчилардир.

➪ 3-бет

"КЕЧ БЎЛМАСДАН ЎЗИНГНИ АНГЛА"

Бир кун келиб ижтимоий тармоқларнинг ҳам ўз ҳуқуқшунослари, ўз шифокорлари, ўз психологлари пайдо бўлишини ким хаёлига келтирибди дейсиз. Тўғри, янги мутахассисларга талаб мавжуд экан, таклифнинг пайдо бўлиши ҳам табиий жараён.

➪ 4-бет

МЎЪЖИЗАВИЙ ДАРАХТ

Ёнғоқ мевасининг ўта тўйимли ва микроэлементларга бойлиги, инсоннинг ақлий ва жисмоний фаолиятини кучайтириши, ўта мустаҳкам ёғочидан тайёрланган жиҳозларнинг умрбоқийлиги тўғрисидаги тадқиқотлар катта рисолага жо бўлади.

➪ 6-бет

Сиёсат

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан жорий йилнинг 24-26 март кунлари расмий ташриф билан Бирлашган Араб Амирликларида бўлди. Ташриф давомида кўп қиррали икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, банк-молия, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати маълум қилди.

Тарихий ташрифнинг юксак самаралари

"Қаср ал-Ватан" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни БАА раҳбари шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг расмий кутиб олиш маросими ва кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Томонлар савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олди.

Тарихан қисқа даврда Бирлашган Араб Амирликлари сахро қўйнида мўъжиза яратиб, иқтисодиёт, инновация, савдо, молия ва туризм бўйича дунё марказларидан бирига айланди. Мамлакатимиз раҳбари учрашув давомида Ўзбекистон шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ўз навбатида Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди ҳамда ҳамкорлик ўзаро манфаатли бўлишини таъкидлади.

Эътиборли томони, икки томон ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 25 октябрда ўрнатилган бўлса-да, яқинда илк бор Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси тайинланди. Бу ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланиб, юқори поғоналарга кўтарилаётганига далилдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда БАА инвестициялари иштирокида 107 корхона фаолият юритиб келмоқда. Улар асосан тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мева консервалари, полиграфия, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқлари, хизмат кўрсатиш йўналишларида иш олиб бораяпти.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2018 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми қарийб 400 миллион долларни ташкил қилган. Президентимиз бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ўсгани, лекин томонларнинг салоҳиятини ҳисобга олганда, етарли даражада эмаслигини таъкидлади.

Ҳукуматлараро комиссия олдига яқин йилларда ўзаро савдо айланмаси ҳажмини бир миллиард долларга етказиш, бунинг учун товар етказиб беришни кўпайтириш, хомашёни қайта ишлаш ва қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Икки мамлакат ўртасида туризм соҳасида ҳам улкан салоҳият бор. Амирликлар аҳолиси буюк алломаларимиз мақбараларини зиёрат қилиш, табиатимиз манзараларидан баҳра олишга орзуманд. Ўтган йили БААдан Ўзбекистонга келган саёҳатчилар сони 1,5 баробар ўсган.

Президентимизнинг яқинда имзоланган фармонига мувофиқ, юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди. Бу Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида нафақат туризмни ривожлантириш, балки савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралардан сўнг икки томонлама имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ва БАА ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Инвестициялар, молия, муқобил энергетика, саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, божхона маъмуриятчилиги, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича имзоланган ҳужжатлар алмашилди. **Умуман, ташриф доирасида умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ келишувларга эришилгани маълум қилинди.**

Шундан сўнг, Президент Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Самимий мулоқот чоғида сиёсат, инвестиция, хавфсизлик соҳалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Муносабат

Шолазиз Шохидоев фотоси

Маънавий эҳтиёж

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йилнинг 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўплаб муҳим масалалар билан бир қаторда ёшлар тарбиясига оид масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

БЕШ МУҲИМ ТАШАББУСНИНГ БИРИ

Таъкидланганидек, турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш ҳар қачонгидан долзарб эканини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис Президентимиз ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш муҳим ташаббус ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шулардан бири — ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Айни масалада тизимли ишлар йўлга қўйилиб, ўтказилаётган турли танловлар, қизиқарли тадбирлар ўз мевасини бера бошлади. Эндиликда қамровни кенгроқ олиш назарда тутилаётир. Буюк аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний таъбирларидек, илмсиз кишининг кўнгли хурофотга мойил бўлади. Бугунги даврнинг энг муҳим вазифаси ёшларни илмсизликдан асрашдир. Китобхонликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, давлатимиз раҳбарининг келажак авлод маънавий дунёсини бойитишга алоҳида аҳамият бераётгани замирида ҳам ушбу мақсад мужассам. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрда эълон қилинган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ана шундай хайрли ишларда муҳим омил бўлмоқда.

Бешикдан қабргача илм изла.
(Ҳадисдан)

Муқаддас динимиз манбалари ҳам илмли бўлишга ундайди. *"Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидир". "Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарига ўргатишидир". "Илм – Муҳаммаднинг (С.А.В.), бойлик эса Фиравннинг мероси"* каби ҳикматларни кўпчилик яхши билади. Улардаги мазмун-моҳиятни фарзандларига ўргатиш ҳар бир мўмин-мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

ДОРИЛФУНУН ЯРАТГАН УСТА

Китобхонлик ҳақида гап кетганда карманалик Бурхон Жўраевнинг кичик ҳовлисидаги каттакон кутубхона кўз ўнгимдан ўтади. Асли касби оддий уста — монтёр бўлган, камтар, камсуқум бу инсоннинг китобни фарзандидек ардоқлаши кишини қайратга солади. Унинг шахсий кутубхонасида олти мингдан зиёд китоб бор. Аксарият мактаблар кутубхона фонди бундан кам. Мутолаа истовчи борки, унинг хонадонига келиб-кетиб туради. Кўпинча ёшлар унга шундай савол беради: шунча китобни қандай қилиб, неча йилда йиққансиз?

— Болалигимдан китобга меҳрим тушган, — дейди у. — Ўша пайтда ҳозиргидек сотиб олиш учун имкон бўлмаган. Кейинчалик мактабни битириб, ишга кирдим. Ўзим ишлаб пул топа бошлагач, янги китоблардан сотиб олиб, ўқий бошладим. 60-йиллардан бошлаб тўплаган китобларим бор. Қаергa бормай, биринчи бўлиб китоб дўконига кираман. Буларнинг айримларини қайта-қайта ўқиб чиққанман. Бир донишманд китоб йиғиш дорилфунуннинг ўзгинаси, деган экан. Мен ёшлигимда олий даргоҳда ўқий олмадим, аммо ўзим учун дорилфунун яратдим. Ундан сизлар ҳам фойдаланаётганингиз мени қувонтиради...

Хонадаги жавонларда терилган ўзбек классик адабиёти намоёндаларидан то ўнлаб жаҳон адабиёти йирик вакилларининг том-том асарлари, энциклопедиялар, изоҳли луғатлар, саломатлик, касб-ҳунарга оид қўлланмалар, Низомий Ганжавийнинг 5 томлик, Алишер Навоийнинг 20 томлик, Абу Али ибн Синонинг 10 томлик, Толстойнинг 12 ва 14 томлик, Салтиков Шчедриннинг 10 томлик асарлари тўплами кўзни қувонтириб туради.

Қарангки, китобга ошно бўлиш учун касбнинг ҳам, моддий аҳволнинг ҳам аҳамияти йўқ экан. Бу нафақат ёшларга, катталарга ҳам ибрат бўлгулик фазилат эмасми?!

6 ➪

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Китобхонлик

Дунёда ҳар хил гаплар. Асосан — ҳарбу зарблар,
Олам ҳеч вақт бундайин ур-сурни кўргани йўқ,
Болам, ҳушёр бўл ҳар дам, чўпчак эмас бу хавфлар:
Дунё ҳали бир кун ҳам бир зум тинч тургани йўқ.
Наҳотки одамзоднинг одамзодга қолганда
Дийдалари тош қотиб, бағирлари тошланди?
Дунёда меҳрсизлик оммавий тус олганда,
Бизнинг юртда оммавий китобхонлик бошланди.

Элпарвар улуғ зотлар ўз халқи, миллатига
Ғурур келтирган доим, шаъну шавкат келтирган.
Боқсанг агар бу халқнинг тафаккур, тийнатига —
Оламга фақат илму маънавият келтирган.
"Китобга қайтиш керак!" деган сўзлар шу олий
Минбардан янграганда нечун кўзинг ёшланди?
Дунёга боқ: сарсондир қанча халқу аҳоли,
Бизда эса оммавий китобхонлик бошланди.

Ер юзида жаҳолат бекор турмас ҳеч қачон,
Разолат ҳам ногаҳон оммавий хуруж бошлар.
Оммавий имонсизлик ном олмишдир — оломон,
Шу оломон ҳар жойда ҳар доим шўриш бошлар.
Меҳру муҳаббат деган кийиклару жайронлар
Қай элларда сўйилиб, териси ҳам ошланди.
Ёппасига ов кетар Ер юзида, ёронлар,
Бизда эса оммавий китобхонлик бошланди.

Надир асли билсангиз оммавий маданият —
Маданиятсизликдир, дидсизликдир оммавий.
Бу офат қирилсин дер қалбларда маънавият,
Ҳаёсизлик бўлсин дер умумий ва ҳаммавий.
Билим ҳеч вақт ҳеч қачон келтирмаган ёмонлик,
Нур таралгай китобга ошно кўзу қошлардан.
Бизнинг юртда — ободлик, бунёдкорлик, омонлик,
Бизнинг юртда оммавий китобхонлик бошланган.

Сингилжон, мактабларга юбор боланги шитоб,
Бу ёруғ синфхоналар — мунаввар йиллар бўлгай.
Сен бугун меҳр билан очган ҳар дафтар, китоб —
Ҳар бир ўғил-қизингга нурафшон йўллар бўлгай.
Кўрдим илк бор нон эмас — бўлди китоб талошлар,
Гинахонлик ўрнига одобхонлик бошланди.
Китоб излаб қолдилар бор қавму қариндошлар,
Бизнинг уйда ҳам ялпи китобхонлик бошланди.

Бизда гарчи оммавий қирғин қуроллари йўқ,
Умумбашарий илму ирфон бордир азалдан.
Навоий бобо айтган шеърдан титраб еру кўк,
Олам ёнмиш ҳазрати Бобур битган ғазалдан.
Тамаддун осмонида биз ёққан қандилларнинг
Зиёсидан бор олам то абад қуёшланди.
Эй дунё, кучайганда оммавий таҳдидларинг,
Бизнинг юртда оммавий китобхонлик бошланди.

Бутун мамлакат гўё улкан кутубхонадир,
Шаҳру кенту қишлоқлар — ҳаёт, тириклик, турмуш
Ўттиз милёнлик миллат Ватан деб уйғонадир,
Ўттиз милёнлик миллат маърифатга юз бурмиш.
Офтоб олтин китобин очар ҳар тонг, ҳар саҳар,
Элу юртнинг умиди — ўсаётган ёшлардан.
Интернетжон, сен нотинч дунёга ёйгин хабар:
Бизнинг юртда оммавий китобхонлик бошланган!..

Наманганда Президент Шавкат Мирзиёевнинг вилоятга ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

«Бу йил бизга 1 миллионта китоб совға қилинади. Вилоятдаги спорт мактабларига жиҳозлар, мусиқа ва санъат мактабларига янги мусиқа асбоблари тақдим этилади», — дейди Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Пахриддин Маткаримов. — 25 минг нусхадаги бадиий адабиётларнинг биринчи партияси аллақачон Наманганга етказиб берилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Жарқўрғон тумани Какайди қўрғонидаги 5-мактабда бўлиб, мактаб кутубхонасига ўз шахсий кутубхонасидан китоблар совға қилди.

Аввалроқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш масалаласига тўхталар экан "Ҳар бир раҳбар ўзининг шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилса, бу яхши ташаббус бўлиб китобхонликни ривожлантириш билан фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади", деб таъкидлаган эди.

* * *

Президентимиз даъватига жавобан Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ҳам 25 март куни Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги 22-сонли умумий ўрта таълим мактаб кутубхонасига китоблар совға қилди. Вазирлик хабарида қайд этилишича, вазир ўзи таҳсил олган ўқув муассасасига совға қилган китоблар асосан, ўғил-қизлар маънавиятини юксалтирувчи адабиётлардан, яъни қизиқарли эртак, шунингдек, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналаридан иборат.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Комил Алламжонов Ноширлик-матбаа фаолияти соҳасида мутахассисларни тайёрлаш касб-ҳунар коллежи кутубхонасига китоблар жамланмасини совға қилди. Агентлик раҳбар-ходимлари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда таълим маскани кутубхонаси 300 дан ортиқ китобга бойиди.

Депутат минбари

Ёш авлодда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларни маданият, санъат, айниқса жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш жуда муҳим масалалардандир.

Интилиш ва рағбат

Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бугунги кунда ёш авлодни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароит яратишга йўналтирилган устувор йўналишлар доирасида вазифаларни белгилаб олиш ва улар асосида ишни ташкил этиш зарурдир.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида сўнгги йиллар давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Президентимиз ёшларни спортга кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишини таъминлаш, бу ўз навбатида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши, шу билан бирга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилишига доимий эътиборни қаратиб келаётир. Бу борада қатор қарор ва фармонлар қабул қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилиб, соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, 2018 йилнинг 20 сентябрь куни Президентимиз томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларни спортга кенг жалб этишда уларга етарлича шароитлар яратиш, малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда спорт тадбирларини ташкил этиш борасида жиддий камчилик ва муаммоларга тўхталиб, уларни ҳал этиш борасидаги вазифалар белгилаб берди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган бундай юксак эътибор натижасида ёшларимиз жисмонан ва руҳан баркамол вояга етмоқда. Бу дунёнинг турли минтақаларида ўтаётган нуфузли мусобақаларда спортчи ёшларимизнинг давлатимиз байроғини баланд кўтараётганида яққол намоён бўлмоқда.

Хусусан, ўтган 2018 йил давомида икки юздан ортиқ нуфузли халқаро мусобақаларда 1800 нафардан ортиқ спортчимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Натижада, 520 олтин, 544 кумуш ва 588 бронза, жами 1652 медаль қўлга киритилди.

Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрь кунги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятда соғлом турмуш тарзи ва спортни янада оммалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мамлакатимизда спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият бериш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида энг чекка туманларда ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш зарурлиги муҳим вазифа этиб белгиланди.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари ёзги Осиё ўйинларидан бирига мезбонлик қилиш бўйича истиқболли режа ишлаб чиқиш таклифини илгари сургани бу соҳада олдимизда улкан вазифалар турганини, бунда барчамиз юксак мақсад — мамлакатимизни жаҳонга танитиш йўлида ҳаракат қилмоғимиз лозимлиги аён бўлади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, худудларда сайловчилар ва аҳоли билан учрашувларимиз давомида ёшларимиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишида етарлича шароитлар яратилмаганлиги ҳолатлари учраб туради. Мазкур соҳадаги вазифаларнинг ижросини таъминлашда биз, депутатлар ҳам ташаббус кўрсатишимиз, ишларнинг боришини назорат-таҳлил тадбирлари доирасида сифатли таъминланишида ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоиз, бу соҳада давлат сиёсатининг асосий мақсади ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига кенг имконият яратиш, айниқса, бу ишларни қишлоқ жойларда такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жамшид ПИРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Фармон ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида божхона органлари учун ҳам аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Жумладан, ўтган йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорларнинг қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни "яшил" ва "қизил" йўлаклардан ўтказишни жорий этиш назарда тутилган.

Янги тизим — янги имконият

Президентимизнинг 2018 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан ўтган йил 1 сентябрга қадар бўлган муддатда товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлаш белгиланди.

Ушбу фармон билан Давлат божхона қўмитасида Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси ташкил қилинди. Мазкур бошқармага божхона органларида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи юқори бўлган товар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни жамлашни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш вазифаси юклатилди. Жаҳоннинг етакчи давлатларида ушбу йўналишда фойдаланилаётган ахборот технологиялари имкониятларини ўрганган ҳолда хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилди ва 2018 йил 1 сентябрдан синов тарзида ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда янги таҳрирда қабул қилинган "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Қонуни билан эса мазкур янги тизимни қўллаш самарадорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш божхона органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Яна бир ҳужжат — Президентимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги "Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими тўлиқ режимда жорий этилди. Ушбу фармонга биноан 2018 йил 1 декабрдан бошлаб, "Сариқ" ва "Қизил" йўлаклар ишга туширилди. Жорий йил 1 мартдан эса "Яшил" ва "Кўк" йўлаклар ишга туширди.

"Божхона органларида хавфни бошқариш тизимининг тўлиқ жорий этилиши — ҳалол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда муҳим омил" мавзусида куни кеча ўтган матбуот анжумани ана шу ўзгаришларга бағишланди.

Унда Давлат божхона қўмитасининг хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Мухторов ва бошқа мутасадди вакиллар мазкур тизимнинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берди.

— Хавфни бошқариш, тизимни тўлақонли амалга киритиш орқали "ялпи" божхона назоратини ўтказишдан воз кечилади ва хавф профиллари ёки тасодифий танлов асосида товар, транспорт воситаларининг назорати тўртта йўлакдан бирига йўналтирилган ҳолда амалга оширилади, — дейди И. Мухторов. — "Сариқ йўлак"да божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича назорат шакллари хавф даражаси ўртача кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади.

"Қизил йўлак"да эса хавф даражаси юқори ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан назорат амалга оширилади. Хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, "Яшил йўлак" қўл келади, яъни божхона назорати шакллари уларга нисбатан қўлланмайди. Хавф даражаси ўртача кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарлар назорати эса улар чиқариб юборилгандан сўнг "Кўк йўлак"да амалга оширилади.

Божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллаш орқали бир қатор мақсадларга эришилади: хавфни бошқариш тизимини қўллаш орқали қонун ҳужжатларига риоя этилишини ҳамда божхона органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши таъминланади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, божхона назорати объектларига нисбатан назоратни етарли даражада таъминлайдиган божхона назоратининг шаклларини ҳамда даражасини танлаш мумкин. Назоратни тезлаштириш ҳамда хавф даражаси кам бўлган товар ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилишида назоратни соддалаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Хўш, мазкур тизим тадбиркорларга нима беради? Энг аввало, тизим ташқи савдо айланмасининг ошишига ва халқаро савдонинг ривожланишига хизмат қилади. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг (ТИФ) ҳалол иштирокчиларини рағбатлантириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш имконини беради. Божхона назорати ва расмийлаштирувига сарфланадиган вақт сезиларли даражада қисқаради. Ҳар бир ТИФ қатнашчисига индивидуал баҳо бериш ва уларнинг ҳалоллигига қараб саралаш, бир-биридан фарқлаш имкони туғилади. ТИФ қатнашчиларига божхона кўригида енгиллик яратилади. Уларнинг товарлари айланмаси даври қисқаради.

Эндиликда тадбиркорлар Давлат божхона қўмитасининг bojxona.uz сайтидаги http://service.customs.uz ҳаволаси орқали божхона юк декларациясининг мақоми ҳамда унинг қайси йўлакка жойлаштирилгани тўғрисидаги маълумотларни аниқ вақтда билиб олишлари мумкин.

Маълумки, божхона органларига тақдим қилинадиган барча маълумотларни текшириш ва уларнинг ишончлилигини тўла ва бекаму кўст таъминлашнинг имкони йўқ. Хавфни бошқариш тизими эса божхона органларининг чекланган ресурсларидан энг катта самарадорлик асосида фойдаланиш имконини беради. Бунда асосий эътибор юқори ставкали, доимий характердаги божхона қонунчилигининг бузилиши ёки маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларига путур етказадиган ёхуд давлатнинг бошқа манфаатларига таҳдид соладиган, энг хавфли ҳолатларга қаратилади.

Хавф-хатар бўлмаса ёки унинг эҳтимолий қонунбузилишларининг оқибатлари минимал даражада бўлса, божхона расмийлаштирувининг энг содда технологиялари қўлланилади ва транспорт воситаларининг кутиб қолиши, юкларни ташиш, божхона терминалларида сақлаш билан боғлиқ асоссиз харажатларга йўл қўйилмайди.

Тадбирда мутахассислар журналистлар ва тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Шолазиз ШОХИДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Соҳа синоатлари

Томорқада меҳнат қилишни хуш кўрадиган, яхши даромад оладиган танишларимдан бири айтиб қолди: «Минг йиллар давомида ота-боболаримиз кимёвий ўғитларсиз қандай деҳқончилик қилган экан-а? Бугун шу химикатсиз бирор нарса етиштирган одамни топиш қийин. Ўтган йили ўзим ишлатмагандим, ҳосил ололмадим. Наҳотки ерлар «нашаванд» бўлиб қолган бўлса».

Зараркунандани зарарсизлантиради

Ёхуд инсон саломатлигига зарарсиз ўғит

Шу суҳбатдан кейин кузатдим, деҳқончилик, айниқса, томорқадан даромад олиш ривожланган ҳудудларда кимёвий ўғит қўшмасдан маҳсулот етиштирадиган деҳқонни топиш амримаҳол.

Катта муаммо ерлар аллақачон, танишим айтганидек, кимёвий ўғитларга ўрганиб қолган. Аслида бу муаммо бутун дунёда мавжуд, олимлар йил сайин кимёвий препаратлардан биологик ўғит яратиш устида бош қотирмоқда. Жаҳон бозорида биологик маҳсулотларга талаб катта.

Бугунга келиб зараркунандалар тури кўпайди. Биргина картошка етиштиришда ўғитлардан ташқари, яна уч-тўрт марта кимёвий дорилар сепилмаса картошкахўр ҳашаротлар кўпаяверади.

Бир неча йил аввал ўзим бир марта дориларни ҳимоя ниқобисиз сепиб, уч кун касал бўлганман.

Вилоят ҳокими қабулида Самарқанд шаҳрида яшовчи тадбиркорлардан бирининг мурожаатига гувоҳ бўлдим. Тадбиркор Меҳрожиддин Мухторов вилоят раҳбарига биоўғитлар ишлаб чиқариши, биогаз ускунаси ясаши, метан газ ишлаб чиқариш билан шуғулланиши, айни вақтда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши учун жой муаммо бўлаётганини маълум қилди. Тадбиркорнинг ушбу фаолияти ҳокимга маъқул келиб, тезда муаммони бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотларга топшириқ берди.

Шу куни тадбиркор билан суҳбатлашиб билдимки, кимёвий қўшимчаларсиз ҳам ерни тиклаш, юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин. Орадан ҳафта ўтиб, батафсил суҳбатлашиш учун, яна Меҳрожиддин Мухторов билан учрашдим.

Самарқанд шаҳридаги «Агро био смес сервис» МЧЖ корхонаси раҳбари Меҳрожиддин Мухторов дунё миқёсида мева ва сабзавотни зараркунандалардан ҳимоя қилишда кимёвий препаратлардан тобора кўп фойдаланилаётганидан ташвишда. Чунки, кимёвий усулларда парваришланган маҳсулотлар инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, у бир неча йилдан буён биологик ўғит ва зарарсиз препарат кашф қилиш ғамида.

— Ҳозир ишлатилаётган кимёвий ўғитлар, — дейди М.Мухторов. — Бир томондан ўсимликларга фойда берса, иккинчи томондан зарар келтиради. Ҳатто зараркунандаларга қарши ишлатилган тақдирда ҳам токсинлар маълум миқдорда ўсимликка сингади. Бу охир-оқибат киши саломатлигига таъсир ўтказади. Биз ихтиро қилган ўғит ва «ИСО» (оҳак, олтингугурт қайнатмаси) препарати деҳқончилик, боғдорчилик экинларини ўстиришда экологик тоза, инсон саломатлигига зарарсиз. Мазкур ўғит ерларга ишлов беришда, зараркунандаларга қарши курашишда қўл келади. Препаратларимизни ўсимликларда учрайдиган ўргимчак кана ва занг касалликларига қарши қўллаганимизда ижобий натижа берди.

Бугун Самарқанд шаҳрининг мафтункорлигини ҳар қадамда яшнаб турган яшил майсазорларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Билсак, шаҳардаги аксарият яшил майдонлар айнан М.Мухторов ихтиро қилган табиий биоўғитлар билан озиқлантирилар экан.

— Аввал синов тариқасида озиқлантирдик, — дейди Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бош агрономи Адҳам Холиқов. — Сарғайиб, кучсизланиб қолган майсалар қисқа вақт ичида яшнай бошлади. Шундан сўнг, тадбиркор билан шартнома имзоладик. Асосий майдонларга ҳозир айнан М.Мухторов ишлаб чиқараётган биоўғитлардан фойдаланилади. Ўғит дарахтларда ҳам яхши самара беришини кузатдик.

Тадбиркор биоўғит тайёрлашда турли органик чиқиндилар, чорва ғўнгидан фойдаланади. Яна бир томони, табиат учун зарарли бўлган чинор хазонига ҳам ишлов берилади. Натижада атмосферага турли зарарли газлар чиқиши камаяди, биоўғит тайёрлаш жараёнида метан гази ажратиб олинади.

Ҳозир Меҳрожиддин аканинг ўғли Сирожиддин Тошкент давлат аграр университетида фаолият юритмоқда. У қишлоқ хўжалигида биологик ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ.

Туризм

Бухоронинг янги минораси

Бухоро қадимий миноралари билан ҳам машҳур. Қадим шаҳарда ана шундай осмон ўпар иншоотлар сони яна биттага кўпайди. "Authentic Travel" масъулияти чекланган жамияти томонидан "Сув минораси" иншооти негизида «Бухоро минораси» (Bukhara tower) туристик мажмуаси ишга туширилди.

Бундан 90 йил илгари Бухоро шаҳрининг бир қисмини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида барпо этилган "Сув минораси"дан сўнгги йилларда турли мақсадларда фойдаланиш бўйича кўплаб таклифлар билдирилаётган эди. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартдаги қарорига биноан ўтказилган танловда "Authentic Travel" МЧЖнинг туризм соҳасини янада ривожлантириш учун инвесторлар ва туристлар эътиборини жалб этадиган хизматлар турини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаси ғолиб чиқди.

МЧЖ ва франциялик инвестор Уитердийкнинг айтишича, унга шаҳарнинг меҳмондўст ва самимий аҳолиси, бетакрор ва мўътадил табиати ёққан. Қолаверса, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш соҳасида қатор имтиёзлар яратилгани ҳам бизни жуда қизиқтирди. "Authentic Travel" МЧЖ раҳбари билан ҳамкорлигимиз самарали бўлди.

"Bukhara tower" — "Бухоро минораси" мажмуаси атрофи ойсимон шишали енгил конструкция билан ўралган. Унга киришингиз билан Бухоро ўтмишига қисқа саёҳат қиласиз: шаҳарнинг ўтган аср бошларидаги сув таъминоти, тарихий фото суратлар, видеолавҳа ва тегишли ҳужжатлар билан танишасиз. Шунингдек, биринчи қаватда чиптахона, дўкон, кафе ва мўъжазгина ресторан фаолият кўрсатади. Кўҳна шаҳарни баландликдан кузатмоқчи бўлганлар учинчи қаватдаги кузатув майдончасига ўрнатилган дурбиндан фойдаланиши мумкин.

— Икки йил аввал меҳмонхона хизматини йўлга қўйган эдик, — дейди "Authentic Travel" раҳбари Суҳроб Бобокалонов. — Сўнгги пайтларда хорижлик туристлар оқими кўпайди. Ўтган йилнинг ўзида ташкилотимиз хизматидан фойдаланувчилар сони уч баробар ошди. Янги лойиҳамиз туфайли сайёҳларни жалб қилиш имкониятимиз янада кенгаяди.

Қодир ҚОДИРОВ.

Спорт

Ўтган йилнинг августида Миллий терма жамоамизга аргентиналик машҳур мутахассис Эктор Купер бош мураббий этиб тайинланган эди. Купер жамоани қабул қилиб олган кундан бошлаб таркибни бутунлай ўзгартиришга ва ўйинга янгилик татбиқ этишга интилмоқда. Ўзбекистон футбол ассоциацияси мураббийнинг ғоялари амалга ошишида зарур барча шароитларни яратиб бериш ҳаракатида.

Мураббий сеҳргар эмас, лекин...



Ўтган давр мобайнида жамоа бир нечта халқаро ўртоқлик ўйинларида иштирок этди. Уларда аргентиналик мураббий ҳимоявий тактикани қўллашга жиддий эътибор қаратди. 2018 йил сентябрь ойида Эрон терма жамоаси билан ўртоқлиқ учрашувида футболчиларимиз мураббийнинг услубини яхши тушунмагани учун жиддий хатоларга йўл қўйган эдилар. Натижада эронлик футболчилар вакилларимизни Тошкентда мағлуб этишни уддалади. Эрон жамоаси вакилларимиз учун "ноқулай" рақиблардан. Форслар билан илгариги учрашувларда футболчиларимиз фақат бир маротаба ғалаба қозонган, холос. Мағлубиятлар сонини эса санаш шарт эмас, назаримизда.

Эрон билан ўтказилган сўнгги ўйин Купер бошчилигидаги дастлабки учрашув бўлгани сабабли кўпчилик мағлубиятни танишиш жараёни билан изоҳлади. Сурия билан кечган иккинчи ўйин ҳам анча асабий ва тактик хатоларга бой кечди. Эронга қарши тушган футболчиларнинг 80 фоизи четда қолди. Яъни захирадаги футболчиларга имконият берилди. Мураббий ўйинга туширган футболчилар эса барча кўрсаткичлар бўйича сурияликлардан ортда экани кўринди. Фақат гол уриш бобида рақибларимизга омад етишмади, холос. Сурия ва Эронга қарши ўйинларда йигитларимиз Купер талаб қилаётган ўйинни кўрсата олмади. Мураббийнинг танлаган стратегияни умуман тушуниб етмаганликлари яққол сезилди.

Октябрь ойида Қатар ва Шимолий Корея терма жамоалари билан учрашувларда ҳам аргентиналик мутахассис таркибда тажриба ўтказишни давом эттирди. Фақат бу гал жамоа ўйинида ўзгариш сезилди. Уларда вакилларимиз мураббий айтган вазифаларни имкон қадар бажарди, деган хулосага келдик. Бироқ, ушбу жамоалар устидан қозонилган ғалаба терма жамоамизнинг ўйинида юксалиш бўлганини англатмайди. Сабаби Қатар ва Шимолий Корея терма жамоалари Ўзбекистон терма жамоасидан кўп жиҳатлардан ортда. Айтмоқчимизки, ушбу жамоалар савияси қитъада етакчилар қаторида турмайди. Аксарият спортга ихтисослашган миллий оммавий ахборот воситалари икки учрашувда қозонилган ғалабадан сўнг Куперни алқай бошлади. Аслида Шимолий Корея ва Қатарни илгари ҳам бир неча маротаба расмий ва ўртоқлик ўйинларида ютганмиз. Тўғри, Купер ўртоқлик учрашувлари орқали футболчиларнинг имкониятларини синовдан ўтказиб олди ва ўйиндан кейин йигитлар унинг фалсафасини тушуниб бораётганини таъкидлаб ўтди. Ноябрь ойида Миллий терма жамоамиз узоқ Австралияда ўқув-машғулотларини ташкил қилди. У ерда ҳам иккита — Ливан ва Жанубий Корея билан назорат ўйини ўтказилди. Мана шу ўйинлар Купер танлаётган тактика йигитларимиз учун анча «оғирлик» қилаётгани яққол намоён бўлди, дейишимиз учун тўла асосимиз бор.

Янги йил кириб келиши билан миллионлар ўйини ишқибозларининг диққат-эътибори Бирлашган Араб Амирликларига қаратилди. У ерда 5 январдан 1 февралгача футбол бўйича Осиё кубоги ўтказилди. Қитъа чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам иштирок этди. Футболчиларимиз мусобақанинг «F» гуруҳида Япония, Уммон, Туркманистон терма жамоалари билан беллашдилар.

Осиё кубоги олдидан «дўпписини олиб» яхшилаб ўйлаган аргентиналик мураббий таркибга яна тажрибали футболчиларни жалб этишни маъқул топди. Декабрь ойида Туркияга олиб кетилган 30 нафар футболчи орасида олдинги ўқув-машғулотларидан четда қолганлар қайтарилди. Таркибни уларсиз шакллантира олмасликка Купер ниҳоят тушуниб етди шекилли. Туркиядаги машғулотларда бирорта ҳам назорат учрашуви ўтказилгани йўқ. Мураббий бу сафар тактик схемалар бўйича футболчилар билан яхшилаб ишлаб олишга киришган, чамаси. Унинг юртимиздаги фаолиятидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бу давр мутахассис учун ўзбек футболи билан танишув жараёни бўлди. Шундан келиб чиқиб, миллий терма жамоада баъзи янгиликларни амалга оширяпти. Жорий қилаётган янгиликлар, янги услубга мослашиш эса футболчидан юқори профессионалликни талаб қилади.

Аммо Купер жамоаси бўйича эътирозлар ва таклифлар кам эмас. Кўпчиликда, унинг ҳимоя чизиғи ва ҳужумдаги танлови хавотир уйғотмоқда. Миллий терма жамоамизнинг ҳимоя чизиғида асосий куч саналган Виталий Денисовнинг таркибдан ҳар сафар четда қолаётгани мухлислар учун тушунарсиз масаладир. Мураббий Денисов борасидаги танловини қуйидагича тушунтирди: «Денисовнинг терма жамоага чақирилмаётганига асосий сабаб — унинг ҳозирги ҳолати. Ҳозир чап қанот ҳимоясида ихтиёримизда икки нафар жуда яхши футболчи бор. Булар — Фаррух Сайфиев ва Олег Зотеев. Денисовни чақирганимда, улардан бири четда қоларди. Шуни таъкидлаш лозимки, мураббийнинг қарори ҳамиша тўғри бўлмаслиги мумкин. Агар бу борада айтайлик, камина хатога йўл қўяётган бўлсам, айб фақат менда бўлади».

Албатта, таркиб танлаш — мураббийнинг қарори. Натижа бўйича ҳам у жавобгар. Мураббийнинг фалсафаси, ғояларини амалга ошириши мумкин бўлганлар эса футболчилардир. Бош мураббий рўйхатга киритган чарм тўп усталарига ишоняптими, демак умиди бор. Яна таъкидлагимиз келадики, Купер сеҳргар эмас. Йўқдан бор қилолмайди. Лекин боридан баракали фойдаланса бўлади. Гап шунда.

Афсуски, миллий терма жамоамиз Осиё кубогида муваффақиятли иштирок эта олмади. Аранг гуруҳ боскичидан чиққан Купер шогирдлари нимчорак финалда Австралия терма жамоасига ютқазиб, мусобақани тарк этди. Шундан сўнг Купер ҳақида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида кескин танқидий чиқишлар бўлди. Бироқ бу танқидларга ҳеч ким эътибор қаратмаяпти. Орадан ўтган қарийб икки ойда эса Купер ҳеч қандай кўриниш бергани йўқ. Мағлубият сабаблари эса ҳеч қаерда ва ҳеч ким томонидан тушунтириб берилмади. Ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолди. Боз устига 22-26 март кунлари Хитойда «China Cup-2019» турнирида иштирок этган мамлакатимиз бош жамоаси бор-йўғи 4 жамоа иштирок этган мусобақада 3-ўринни олди. Биринчи учрашувда Уругвай терма жамоасидан 3-0 ҳисобида мағлуб бўлди. Бу турнир давомида ҳам Купердан ҳеч қандай тактик ўзгаришларга гувоҳ бўлганимиз йўқ. «Осиё кубоги-2019» да кўзга ташланган камчиликлар яна бўй кўрсатди. Футболчиларнинг бир-бирини тушунмаслиги, тўпни ноаниқ узатишлар ҳали бери бу жамоадан ва Купердан кутилган ижобий натижа талаб қилиб бўлмаслигини кўрсатди. Тўғри, Уругвай терма жамоаси таркибида жаҳонда кўзга кўринган футбол юздузлари тўп суради. Уларга қарши туриш осон эмас. Аммо, мағлубиятнинг ҳам мағлубиятдан фарқи бор-ку. Бутун ўйин давомида рақиб билан тенгма-тенг ўйнаб, тўп учун курашиб мағлубиятга учраган жамоани мухлис тўғри қабул қилади. Бироқ, футболчиларимиз Уругвай билан ўйин бошланмасдан мағлубиятни тан олиб майдонга тушишгани сезилди. Ўзбекистон — Уругвай учрашувидан кейин ташкил этилган матбуот анжуманида Эктор Купер, йирик ҳисобдаги мағлубиятни қуйидагича изоҳлади: «Биз дунёнинг кучли жамоаларидан бирига қарши ўйин ўтказдик. Афсуски, ютқаздик. Уругвай терма жамоаси ўтган йили Россияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида қатнашиб, жуда ёрқин таассурот қолдирганди. Оскар Табарес шогирдлари ФИФА рейтингида ҳам юқори ўринларда. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида гол ўтказиб юбордик. Кейин ўйинни тенглаштиришга ҳаракат қилдик. Рақиб биринчи бўлимда тўп билан кўпроқ муомалада бўлди. Иккинчи бўлимда биринчи таймга қараганда яхшироқ ҳаракат қилдик. Аммо рақибнинг тажрибаси барибир ўз сўзини айтди. Уругвай каби кучли терма жамоаларга қарши ўйин биз учун Жаҳон чемпионати саралаши олдидан яхши тайёргарлик вазифасини ўтайди. Футболда турли натижалар рўй беради. Ғалаба билан мағлубият доим ёнма-ён. Барча натижани қабул қилишга тайёр бўлиш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Купер шакллантираётган жамоада курашга чанқоқлик, ғалабага ташна, ватан ва мухлислар шаъни учун курашадиган футболчилар кўринмаяпти. Жанубий америкалик мураббийга қадар миллий терма жамоамизни бошқарган маҳаллий мураббийлар тузган жамоалар ҳам бугунги жамоадан савия ва ўйин жиҳатдан кучли эди, назаримда. Мамлакатимиз бош жамоасига хориждан кучли мураббий олиб келиниши аввалги натижаларни қайта такрорлаш учун қилинган иш эмас. Янада юқори даражага чиқиш, Осиё кубогида камида финалгача бориш, жаҳон чемпионатига чиқиш вазифаларни уддалаш учун Купер жалб қилинган, эди. Ҳолбуки, биз учун халоскор бўлиб кўринган аргентиналик мураббий ҳам футболчиларимизга ёрдам беролмаяпти. Футболимизга таклиф этилаётган легионер мураббий ва футболчилар маҳаллий мутахассислардан кучли бўлиши керак аслида. Бутун дунёда шу қоида амалда. Фақат ўзбек футболида бунга эътибор кам. Ҳар йили легионерларга футболимиз бош ташкилоти томонидан қандайдир шартлар қўйилади. Лекин бу қоғозда ёзилиб, суяксиз тилдан чиқаётган баландпарвоз гаплар қандай наф бераётир?

Бир мисол, яқинда ўзбек футболини ёритадиган оммавий ахборот воситалари томонидан «Қўқон-1912» жамоасига Ҳабашистон терма жамоаси сафида майдонга тушган футболчи келгани ҳақидаги хабарлар эълон қилинди. Телевизор орқали ҳам бу футболчи бир неча маротаба («Навбаҳор» — «Қўқон-1912» ўртасида ўтказилган 1-турда) кўз-кўз қилинди. Шу куни ўйинни шарҳлаган ҳамкасбларимиз ҳам хорижлик футболчини осмонга кўтариб мақташди. Орадан бир ҳафта ўтар ўтмас, эшитсакки, мақталган легионер футболчи битта ўйинда ҳам иштирок этмасдан, юртига қайтиб кетибди. Энди шу ўринда савол туғилади, ўзимиз кўрмаган, билмаган хорижликни кимдир "бу — авлиё" деса қачонгача ишонаверамиз?

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ.

Сана

Кеча "Ўзбекистон ёш томошабинлар театри"га бордик. Кирганимиз ҳамоно оммавий ахборот воситаларида бот-бот ўқиганим "Одамлар театрларга келмай қўйди" деганга ўхшаган иддаолар хаёлимга кела бошлади.

Томошабин келган ва келмаган кунлар

Рости, бу гапларга анча бўлди, аҳвол ижобий томонга ўзгарди! Биз гарчи томоша бошланишидан 10 дақиқа олдин етиб келган бўлсак-да, зал театр мухлислари билан лиқ тўла. Ҳатто айримлар уйларидан тайёргарлик кўриб чиқишган, шекилли, зиналарда кўрпача тўшаб ўтиришибди. Тик оёқда турганлар ҳам анча-мунча. Хўш, бундай ҳолатни ўз кўзингиз билан кўргандан кейин халқимизни санъатдан, инчунун, театрдан узоқ дейиш мумкинми? Болалар театридаки, одам шунчалик гавжум экан, отахон театрларимиз ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Хўш, нега бугун томошабин бунчалик кўп? Чунки, "Наврўз" байрами муносабати билан бир ҳафта театрлар куни, яъни текин спектакль кўриш имконияти яратилди. Боз устига бу ҳафталикнинг тарғиботи, бошқача қилиб айтганда, рекламаси ҳам ўз ўрнида бўлди. Рости шуки, халқ театр, спектакль ҳақида узоқ йиллар ҳатто ўйламади ҳам. Аммо бугун, шукр, дастурхонимиз тўкис, эртанги кундан кўнгиллар тўқ. Шундай кунларда хиёбонлардан, арғимчоқлардан зериккан болаларини қаерга олиб боришни билмаётган ёки фарзандларининг маънавияти бутун инсонлар бўлиб вояга етишини чин дилдан хоҳлаётган юртдошларимиз кам эмас. Фақат жадидчи боболаримиз тарбия маскани дея таърифлаган театрларимиз ҳақида маълумот етишмайди. Театр репертуари, чипта нархлари ва томоша вақтлари ҳақида эса очиқ реклама деярли йўқ. Эътибор берганмисиз, битта янги фильм суратга олинса, уни қарийб юз марта телевидение орқали реклама қиламиз, аммо яратилаётган янги, дурдона саҳна асарлари ҳақида бундай дея олмаймиз.

Ҳатто "Театр хос одамлар жойи, оддий халқ кўриши шарт эмас" деб тушунадиганлар ҳам бор. Кечирасиз-ку, халқ билмаса, халқ кўрмаса, олтиннинг занглаган темирдан қандай фарқи бор? Гапнинг индаллоси шуки, бу галги театр ҳафталиги жуда ажойиб самара беришига шубҳа йўқ. Чунки бу ҳафталик томошабин ва театр орасидаги кўз илғамас деворни қулатганга ўхшамайди...

Ҳа, дарвоқе, шу ўринда яна бир гапни айтмасак бўлмас. Очиғи, айрим театрлар айни шу "текин кунлар"да бироз "омади чопмаган" ёки жуда эски спектакларни қайта намойиш этишди. Бу тўғри ишми?

Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, "Театр ибратхонадир". 27-март бутун дунёда театр куни сифатида нишонланади. Биз ҳам халққа ибрат кўрсатишга умрини бағишлаган соҳанинг заҳматкаш санъаткорларига омадлар тилаймиз. Ўтаётган ҳафталикдан маълум бўлдики, халқимиз бу соҳа вакилларининг меҳнатини ҳамиша олқишлаган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Ситора ШАМСИДДИН қизи.

Дунёда нима гап?

ИККИ ЙИЛЛИК СУРИШТИРУВ ЯКУНЛАНДИ

Россиянинг Америка сайловларига аралашуви борасида қарийб икки йил давом этган суриштирув ишлари якунланди.

Бу ҳақда АҚШ адлия вазири ҳамда бош прокурори Уильям Баррнинг сенат ва вакиллар палатасининг юридик қўмиталарига ёзган хатидан сўнг маълум бўлди.

АҚШ президентлик сайловларига Россиянинг эҳтимолли аралашуви борасидаги суриштирув ишлари Дональд Трамп фойдасига ниҳояланган. Уни олиб борган махсус прокурор Роберт Мюллер ўз иши якунларини мамлакат бош прокурорига топширган, аммо ҳисоботнинг мазмуни ҳозирча сир сақланмоқда.

ЙЎЛДАН АДАШГАН ЛАЙНЕР

25 март куни Германия томон парвоз қилган "British Airways" авиакомпаниясининг самолёти Шотландияга бориб қолган.

Йўловчилар Дюссельдорфга парвоз қилишаётганига амин бўлишган. Бироқ, самолёт қўнгач, учувчи лайнер Эдинбургга етиб келгани тўғрисида эълон қилган.

Ушбу ҳодиса учувчилар ва Лондон аэропортидаги диспетчерлик хизматига нотўғри парвоз режаси берилгани оқибатида юз берган.

Самолёт экипажи йўловчилардан кимлар Дюссельдорфга учишни истаса, қўлларини кўтаришни сўрашган. «Барча қўл кўтарди», дейди 24 ёшли йўловчи Софи Кук.

Эдинбург ва Дюссельдорф орасида 844 километр масофа бор. Самолёт Эдинбург аэропортида икки соат туриб, сўнг Дюссельдорфга учиб кетган ва маҳаллий вақт билан соат 13:00да қўнган.

"British Airways" компанияси йўловчиларнинг ҳар бири билан боғланиб, уларнинг сафари кечиккани учун узр сўраган.

ВЕНЕРАДА ҲАЁТ НИШОНАЛАРИ БОРМИ?

"Венера – Д" Россия – Америка ҳамкорлик миссияси ушбу сайёрадан ҳаёт нишоналарини изламоқда.

"Венера пайдо бўлгандан кейинги икки миллиард йилликда ушбу сайёрада қандайдир соддароқ ҳаёт кечган бўлиши керак, — дейди россиялик эксперт Людмила Засова. — Чунки сайёра қуёш, сув, одамлар яшайдиган зонада жойлашган, деган тахминимиз бор".

Олиманинг сўзларига қараганда иссиқхона эффекти сайёра сиртқи қатламига таъсир этган ва ҳаёт нишоналари ушбу зонадаги булутларда сақланган бўлиши мумкин. Сайёрада атмосфера босими 100, ҳарорат эса Цельсий шкаласи бўйича 500 даражани ташкил этади. Айни пайтда ушбу тадқиқотда Япония, Италия, Германия ҳамкорлиги ҳам қутилмоқда. Космик тадқиқотлар институти президентининг хабар беришича, миссия бюджети бир миллиард долларга баҳоланган.

ДУНЁНИ ЛОЛ ҚИЛГАН РЕКОРДЧИЛАР

Британиялик собиқ денгиз пиёда аскари қайиқда Атлантика океанини сузиб ўтиш бўйича рекорд ўрнатди. Ҳайратланарли томони шундаки, унинг жисмоний имконияти чекланган.

Унинг ёлғиз ўзига Европа қитъасидан Америка қитъасигача 36 кун мобайнида эшкак эшишга тўғри келган.

49 ёшли Спенсер эса Португалиянинг Портимау шаҳридан сувда сузиб "йўлга" чиққан. Бир неча кундан сўнг Канар ороллари ёнида тўхтаб, навигаторни созлаб олган. Сўнг Жанубий Америкагача олти минг километрдан кўпроқ масофани 36 кун давомида сузиб ўтган. Бу билан 2002 йилда Атлантика океанини 96 кунда сузиб ўтган ўзидан олдинги рекордчини ортда қолдирган.

ЯНГИ АВЛОД САМОЛЁТЛАРИ

2020 йилда Россияда янгича двигателли самолётлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, ушбу янги авлод двигателлари енгил ва тузилиши соддалаштирилган бўлиб, уни ишлаб чиқариш ҳамда ундан фойдаланиш анча арзонга тушади. Екатеринбургдаги Ураль заводида ишлов бериладиган ушбу двигателлар самолёт ҳамда вертолётларга мўлжалланган.

Интернет материаллари асосида Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

Ҳамкорлик

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Жанубий Корея Журналистлари ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Журналистнинг холис сўзи — тинчлик кафолати

Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида Бутунжаҳон журналистларининг «Дунёда барқарор тинчлик ва журналист сўзи» мавзуидаги халқаро анжумани давом этмоқда. Дунёнинг 50 мамлакатидан 70 нафар журналист таклиф этилган нуфузли тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

Корея Республикаси Журналистлари ассоциацияси, шунингдек, Ташқи ишлар, Маданият, Спорт ва Туризм вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро тадбирда дунёнинг турли давлатларидан келган оммавий ахборот воситалари вакиллари соҳа олдидаги муаммолар ва ўзаро ҳамкорлик бўйича кенг фикр ва тажриба алмашмоқда. Анжуманда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов «Журналистнинг холис сўзи — тинчлик кафолати» мавзуида маъруза қилди.

Таширф доирасида Жанубий Корея Журналистлари ассоциацияси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Маросимда мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда бўлгани каби оммавий ахборот воситалари йўналишида ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари изчиллик билан ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Ҳамкорлик бўйича келишувдан кўзланган мақсад мамлакатларимиз журналистларининг дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашишга қаратилган. Икки мамлакат журналистлари учун медиа турлар, ОАВ соҳасидаги муҳим ва долзарб масалалар бўйича ахборий сафарлар ташкил қилиш, биргаликда медиафорумлар ўтказиш каби масалалар кўзда тутилган. Хужжат ўзбек журналистларининг Жанубий Корея Республикасидаги йирик медиа тузилмаларда малака ошириши, маҳорат дарсларида иштирок этишини ҳам ўз ичига олган.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси матбуот хизмати.

Ташаббуслар юксалишга хизмат қилади

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлими вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилган давра суҳбати Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган муҳим ташаббусларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва аҳолига кенг етказиш масалаларига бағишланди.

Давлатимиз раҳбари раислигида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада долзарб вазифалар белгилаб берилган эди.

Босма ва электрон ОАВ раҳбарлари ҳамда журналистлари иштирок этган давра суҳбатида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқимиз, жумладан, ёшларимиз онги ва маънавиятини янада юксалтириш, Ватанимиз тараққиётини ва юртимизда фаровонликни таъминлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Уюшманинг вилоят бўлими раиси Н.Саидов ва бошқалар давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда илгари сурган ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ва изчил ёритиш масалалари бўйича таклифларини билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

Таҳлил

Финляндиялик ижтимоий руҳшунос Суви Уски ўзининг қабулига ёзилаётган "беморлар"нинг сони кун сайин кўпайиб бораётганидан ҳафа эмас. Қизиғи, Уски хоним очган компанияга мурожаат қилувчилар орасида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган одамлар учрайди. Компания ҳозирча маҳаллий аҳолига бепул хизмат кўрсатмоқда. Чунки уни турли жамғармалар ва хусусий инвесторлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди.



ДОКТОР УСКИ: "Кеч бўлмасдан ўзингни англа"

Бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб ярми, яъни 3 млрд. одам турли ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқда. Шулардан энг катта қисми — 2 миллиарди — "Фейсбук"да. napoleoncat.com сайти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда "Фейсбук" тармоғидан фойдаланувчилар бир миллионга яқинлашиб қолган. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65,5 фоизини эркаклар ташкил этади.

Ижтимоий психологларнинг қайд этишларича, бундай одамлар айни тармоқлардан олган назарий билимни амалиётда ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайди. Бироқ яқинда фан доктори даражасига эришган Суви Ускида бундай муаммо йўқ. Унинг офисидаги телефон ҳеч қачон бўш турмайди. Турли муаммоларини ечишда ундан ёрдам сўраб келувчиларнинг охири кўринмайди. Мижозларнинг баъзилари интернет орқали нотаниш кимсалар томонидан таъқибга олинганидан шикоят қилса, айримлари смартфонга тобе бўлиб қолишдан қутқаришни илтимос қилишади.

"Икки йил олдин ҳам бу даражада кўп одам менга мурожаат қила бошлайди деб ўйламасдим", — дейди Уски хоним.

Доктор Уски "Сометурва", фин тилидан таржима қилинганда "ижтимоий тармоқларда хавфсизлик" стартапининг бош директори бўлиб ишлайди.

Олима асосан мижозларга юридик хизмат кўрсатишни хуш кўради. Шунингдек, Хельсинки университетида социал психологияни ўрганаётган талабаларга сабоқ беради. Бундан ташқари, Финляндиядаги вазирликлар ва давлат идораларидан интернет муҳитидаги фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги маслаҳатларини аямайди.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ ЎЗИ НИМА БЕРАДИ?

Ўзбекистонга ҳам Финляндия сингари ижтимоий тармоқлар нисбатан кеч кириб келди. Кўпчилик яхши эсласа керак, 2001-2005 йилларда дастлаб хорижий манбалардан ашулаларни бепул кўчириб олиш имконияти туғилганида ўзимизда йўқ хурсанд бўлгандик. Кейин текин кинофильмларга ўта бошладик. Бироз ўтиб, бирбиридан қизиқ кибер ўйинлар. Хуллас, ҳеч кимга билдирмасдан, ишхонамиздаги ва уйдаги компьютерларимиз хотирасини ана шундай "топилма бойликлар" билан тўлдириб ташладик.

Энг қизиғи, эшитмасак-да, кўрмасак-да, атрофдагиларга дидимизнинг "баланд"лигини кўз-кўз қилиш учун интернетда энг кўп шов-шувга сабаб бўлган мусиқани ёки кинони қандай қилиб кўчириб олишимиз ва бу билан бошқаларга мақтанишга одатландик.

Орадан кўп ўтмади. Ижтимоий тармоқлар оммалаша борди. Натижада профессионал журналистлардан ташқари жамиятда бўлган-бўлмаган тутуриқсиз "ахборот" тарқатувчилар сони кескин кўпайиб кетди. Бу ўринда отахон журналист Эркин Маликнинг ЎзА мухбирига берган интервьюсида алоҳида билдирган фикрлари эсимизга тушди: "Бугун ахборот кўп, уни оммага тақдим этувчилар ҳам. Оддий уй бекаси уйидан туриб таомлар ҳақида мақола ёзиб, ўзининг профилига қўймоқда. Оддий блогер ўзини журналист санаб ахборот тарқатмоқда".

Бир сўз билан айтганда янги ахборот муҳити мавжуд ижтимоий психологияни тубдан ўзгартириб юборди. Шу сабабдан финляндиялик тадқиқотчи ўз диссертацияси учун "одамларнинг тармоқлардаги ўзини ўзи мақташи" феноменини мавзу қилиб олди. Уски хоним Last.fm сайтида олиб борган аноним сўровида оддий кишилар ўзларига ҳаддан ташқари бино қўйишларини тан олганлар. Ҳатто улар ўз саҳифаларида кўз-кўз қилган бестселлер китобларни аслида охиригача ўқимаганликларини, хит ашулаларни тингламаганликларини ҳамда фильмларни кўрмаганликларини айтганлар.

Чунки кейинги пайтларда уларнинг асосий мақсади — ижтимоий тармоқ ёрдамида ўзларининг "ақлли", "олий тоифадаги профессионал" "замонавий дидга эга шахс" ва "кўп нарсага улгураётган" қилиб кўрсатишдан иборат. Қизиғи, реал ҳаётда бironта хатоликка йўл қўйган одам ҳам ўз имижини сунъий равишда тезда тиклаб олиш учун ижтимоий тармоқни ишга солади.

Доктор Ускининг таъкидлашича, бундай хатти-ҳаракатлар ўзликни англашнинг янги йўналиши ҳисобланади. Шу сабабдан яқин келажакда бу каби осон "обрў орттириш қуроли"дан одамлар осонликча воз кечмайди.

Хорижлик олима бу ҳолатни тўхтовсиз томошага қиёслайди. Унинг ибораси билан айтганда "тўю-тантана" 24/7 режимида узлуксиз давом этади. Чунки сизни одамлар доимо кузатиб туришади: нима иш қилаяпсиз, уст-бошингиз қандай, қаерда овқатланасиз, қачон дам оласиз ва ҳоказо. Натижада максимал даражада "тўғри одам" қиёфасини эгаллашга уринасиз.

Бу тўй олдинги одатийларидан фарқ қилади, дея мушоҳада юритади доктор Уски. У кўпчиликнинг ҳаётида 10-15 йилдан бери "жонли эфир"да давом этмоқда.

Шу маънода фақат ёшлардан хафа бўлиш тўғри эмас. Улар асосан мессенжерлар, турли иловаларда кўпроқ вақт ўтказишади. 30 ва ундан катта ёшдагилар "Фейсбук"дан бош кўтаролмай қолган. Улар собиқ ёки келажакдаги иш берувчилари, ҳамкасблари, қўни-қўшнилари, ҳатто мактабдаги собиқ "муҳаббатлари" билан мулоқот қилишни хуш кўришади.

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЗАМОНИ

"Бу давр одамига эътибор берайлик — ярми робот, ярми капиталистик жонзотга ўхшайди, — дейди доктор Уски. — Нима учун одамлар ўзини бундай тутаяпти? Янги феноменни яна қандай тушунмоқ керак? Балки бунинг ҳам яхши томонларини тезроқ илғаб олишимиз, уни кишилик жамиятини ривожлантиришга йўналтириш керакдир. Масалан, иқтисодиётни кўтариш учун рақамли хизматларга кўпроқ урғу бериш пайти келмадимикан?"

Инсон боласини илмий асарларда кўпинча ақлли жонзот сифатида тарифлашади. Чунки у мустақил равишда оқилона қарор қабул қилиш имкониятига эга. Аммо ижтимоий тармоқлар одам боласини индивидуал фикрлашга эмас, балки жамоавий фикрлашга ўргатиб қўймоқда. "Кўпчилик нима деса, шу. Менга нима?" дейдиганлар ортиб кетди.

Агар чумолидан фил ясаб, арзимаган нарсани бир киши ёмонласа, тармоқдаги оламон ҳам унга дарров эргашади-кўяди. Ёки бironта яхши нарсани кимдир ўйламай ёмонласа, урди худо. Ҳамма ўша томонга оғиб кетади.

> БИР КУН КЕЛИБ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ҲАМ ЎЗ ҲУҚУҚШУНОСЛАРИ, ЎЗ ШИФОКОРЛАРИ, ЎЗ ПСИХОЛОГЛАРИ ПАЙДО БЎЛИШИНИ КИМ ХАЁЛИГА КЕЛТИРИБДИ ДЕЙСИЗ. ТЎҒРИ, ЯНГИ МУТАХАССИСЛАРГА ТАЛАБ МАВЖУД ЭКАН, ТАКЛИФНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ҲАМ ТАБИИЙ ЖАРАЁН.

Қизиғи, ижтимоий тармоқда фаолият олиб бораётган қайси гуруҳда одамлар сони қанчалик кўп бўлса, у шунчалик "ақллироқ" гуруҳ мақомини олади.

Бу маънода "Фейсбук"нинг Ўзбекистон сегменти ҳам орқада қолаётгани йўқ. "Fashion-терапия", "troll.uz", "Потребитель.uz", "ya-mama", "Водители Ташкента (drivers.uz)", "uzbek mdk", "торгуем тут uzb (meng group)" шулар жумласидандир.

КЎП ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ХАТОЛАР

Айрим одамлар интернетдаги турли форумларга тушуниб-тушунмай ўзини уради. Ҳамма фикр билдираётган шов-шувли масалани моҳиятини англамаса-да, четлаб ўтиб кетолмайди. Ҳеч бўлмаганда, ўзининг "қиммат"ли фикрини ёзиб қолдиради.

Баъзилар текширилмаган ёлғон-яшиқ гапларни, яъни фейк хабарларни ўзи ўқимасдан туриб, бошқаларга улашиб юборади. Ахир фаолроқ бўлиш керак-да. (Фейк хабарларга бағишланган "Ростга ўхшаган ёлғон" сарлавҳали мақоламиз "Ҳуррият"нинг 2018 йил 10 октябрь кунги сонида чоп этилган эди).

Иш пайтидаги ҳолатингизни илова ёрдамида аниме қаҳрамони кўринишида расмга олиб тарқатиш, қанчалик ичак узгидек кулгили бўлмасин, сиз ишлаётган компания обрўсига обрў қўшолмайди.

Ахборотни қабул қилиш маданияти ўзгарди. Афсуски, яхши томонга эмас! Чуқур таҳлилий материаллар етишмайди деймизу, уни ўқийдиган одамнинг ўзи "қолмаётгани"ни баъзан эсдан чиқарамиз. Айнан шу ижтимоий тармоқлар кўпчиликни юзаки, олдиқочди ахборотга ўргатиб қўйди.

Натижада, тадқиқотчилар таъбири билан айтганда рационал фикрлаш ўрнини "клипли фикрлаш" эгаллаб олмоқда. Энг ачинарлиси, ижтимоий тармоқда ўтказилган вақт "клипли фикрлаш"нинг ривожланишига хизмат қилади. Бунда одам диққатини бирон нарсада икки дақиқадан ортиқ ушлаб туролмайди. Натижада унинг илм олиш қобилияти пасаяди, таҳлилий фикр юритиши йўқолади.

Ижтимоий тармоқда энг кўп "коммент" қолдирилган хабарни ўқиймиз холос. "Қайноқ" воқеа-ҳодисалар тафсилотларига "банги" бўлиб боравeрамиз. Тарқатилган материалнинг журналистик нуқтаи назардан сифати, рост-ёлғонлиги бизни кўп ҳам қизиқтирмайди.

Бу маънода мисол қидириб, Ҳелсинкига бориш шарт эмас. Каминанинг хоржидаги нуфузли илмий журналда эълон қилинган мақоласи ижтимоий тармоқдаги дўстлар билан улашилганда зўрға 30 "лайк" олиши мумкину, унинг оддий тош ҳайкал олдида тушган расми мингга яқин лайк тўплашини қандай изоҳлаш мумкин?

Айрим фойдаланувчилар ўзлари ҳақида озгина-созгина шахсий маълумот бериш билан чекланмайдилар. Ваҳоланки, керагидан ортиқ шахсий маълумотлардан бошқалар ноўрин фойдаланишлари мумкинлигини эсда тутишимиз зарур. Интернетнинг бошқа одам душманлик қилмаган ёки сизга қарши "кибер уруш" очмаган тақдирда ҳам, сизни потенциал харидор деб ўйлаб ўз рекламалари билан сизга хира пашшадек ёпишиши ва ишингиздан чалғитиши мумкин.

"Агар бундан 100 йил олдинги урушлар даврида одамлар ҳақида шунча маълумотлар очиқ бўлганида эди, ўша муҳорабалардан ҳеч ким омон чиқмаган бўларди", — деб киноя қилади Уски хоним.

Ўтган йил "Фейсбук"нинг 10 миллионлаб фойдаланувчилари тўғрисидаги шахсий маълумотлар сизиб чиқиб, "Cambridge Analytica" компаниясининг қўлига тушган эди. Айтилишича, ушбу компания бу маълумотлардан турли сиёсий рекламаларни мақсадли йўналтиришда фойдаланган. Масалан, 2016 йил АҚШда ўтган президент сайловларида ҳамда 2017 йилда Британияда "Брексит" бўйича ўтказилган овоз бериш жараёнида фойдаланилган.

"Фейсбук" асосий тармоқдан ташқари Инстаграм и Вотсап мессенжерига ҳам эга. Бироқ, "Фейсбук" барча техник имкониятларини назорат қилолмади. Афтидан ушбу тармоқ ўз қўлида бунчалик катта ваколат бўлишини олдиндан тасаввур ҳам қилолмаган бўлса керак", — дейди финляндиялик эксперт.

Айнан шу сабабли ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини ҳам ҳуқуқий, ҳам психологик жиҳатдан ҳимояга олиш зарур.

Албатта тармоқларнинг юқорида айтилган салбий томонлари улардан умуман воз кечган маъқул, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Умуман бугунги ҳар қандай замонавий ахборот коммуникация технологияларини чеклаш мантиқсизлик. Фақат улардан самарали, инсон эканмиз, онгли, маданият билан, ақл, фаросат билан фойдаланишни билишимиз зарур, холос.

Шубҳасизки, бунинг учун аввало ҳар бир ижтимоий тармоқ фойдаланувчисида ҳам ана шундай сифат ва фазилатлар бўлиши жоиз.

Беруний АЛИМОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Миннатдорлик

Умр дарахтининг боқий илдизи

Инсон ҳаёти бир текис кечмас экан. Минг бир синовлардан гоҳ дадил, гоҳ эзилиб ўтасан. Баъзан эса довдираб гангиб қолишинг ҳам ҳеч гап эмас, 1984 йилда журналистика соҳасига қадам қўйган эдим.

Самарқанд вилоятидаги туман газетасига адабий ходим сифатида ишга қабул қилиндим. Соҳанинг машаққатли йўлларини ўрганиш учун бор кучимни ишга солдим. 1990 йилдан "Гўзалкент овози" газетасида бўлим мудири сифатида фаолият юритдим. "Пастдарғом ҳақиқати" газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишладим, 2012 йилда кўз касаллигига чалиниб, ногиронлик нафақасига чиқдим, анча пайт ўзимга келолмай юрдим. Овунчоғим — янгиликлардан хабардор бўлиш учун радио тинглаш бўлиб қолди. Фарзандларимнинг ёрдамида унда-бунда битган машқларим, ҳажвияларимни тўпладим. "Улуғбек ворислари" газетасида масъул котиб лавозимида ишлаётган садоқатли шогирдим Роҳила Очилова уларни қайтадан тартибга солди. Китоб ҳолида чоп этишга келганда муаммога дуч келдик. Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими раиси, "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев шунда ёрдам қўлини чўзди. 2017 йил Фармон аканинг саъи-ҳаракатлари билан "Қий-чув маҳалласидаги ҳангомалар" номли китобим чоп этилди. Дунёда яхши инсонларнинг борлиги туфайли ушбу китоб дунё юзини кўрди. Китобимни қўлимга олиб, бир қувончимга ўн қувонч қўшилди. Устознинг бу саховатига қандай жавоб қайтаришни билмасдим, ўпкам тўлиб кетди. Дунёни кўрмай қолган кўзларимдан севинч ёшлари оқди. Бу ёғини айтсам, Уюшмамиз байрамларда совға-саломлар билан сийлаб туришни ҳам унутмайди. Ўтган йилнинг охирида хонадонимга "Зарафшон" газетасидан хат жилдда нимадир келган экан, очиб қарасак, 2019-йил учун мазкур газетага бир йиллик обуна варағи. Қўнғироқ қилиб, миннатдорлик билдирдим.

Яхшилик — умр дарахтининг боқий илдизи. Самимий инсонлар туфайли кўплаб умр дарахтлари бундай илдиздан куч олиб, янгидан япроқ ёзади.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
журналист.

Қадрият

Халқимиздаюртнинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, унинг мозорини-ю бозорини бориб кўр, деган ҳикмат бор. Бу гал бизни борган манзилимизнинг фақат мозоригина қизиқтирди, холос. Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги "Юртим жамоли" маҳалласида жойлашган "Биби Робия" қабристонига бордик.

Қалбдаги жавоҳир

Марҳумлар мангу қўним топган бу манзил қачон пайдо бўлгани ва нега бундай аталишига қизикдим. Тарихчи ва шоир Юсуф Вализода Дарбандий яна бир ҳамроҳимиз, онасининг қабри бошида маҳзун турган Тўфа Боймуродовага ишора қилиб, мен билмоқчи бўлган воқеалар ҳақида сўзлаб берди.

Қабристоннинг пайдо бўлиши ва айни ном билан аталиши тарихи қизиқ, ҳам ғуссалироқ экан. Тарих деганда олис тарихни тушунманг, айни шу ўн йилликнинг бошидан марҳумларга қўнимгоҳ бўлган экан бу ер.

...Тақдир тақозоси билан 1950 йилларда Бойсун туманидаги тоғли Дарбанд қишлоғи аҳолисининг бир қисми Музработ (илгариги Шеробод) туманига кўчириб келинади. Пахта, дон етиштириш, қўриқ ерларни ўзлаштириш каби қишлоқ хўжалигининг энг оғир тармоқларида қишлоқ аҳли елкама-елка туриб меҳнат қилган. Дарбандликлар кўчманчилар эмас, балки шу манзил фуқаролари, шу туман фидойилари каби шу гўша бағрига сингиб кетган. Байрамлар, тўй-маросимлар, халқ сайилларини ҳамжиҳатликда, шодиёналикда ўтказиб келишади. Фақат бир масалада уларнинг кекса авлоди қатъий туриб олган. Ўз қавмидан ким ҳаётдан ўтмасин, кексами, ёшми, ҳатто чақалоқларни ҳам Бойсундаги дарбандликлар хилхонасига олиб бориб дафн этишган. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг борди-келдиси билан уч юз километр келадиган йўл босишнинг ўзи бўладими!

Ўлим ҳақ. Ўлим об-ҳаво, вақт танламайди. Қишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирама чилласи дейсизми, эшак аравада, от-уловда, йиллар ўтиб ихчамроқ юк машиналарда маййит бир амаллаб манзилига етказиб борилган. Йўлда машиналар бузилиб қолган, ҳалокатга учраган пайтлари ҳам бўлган. Бу кўргиликлар нақ 61 йил давом этган.

Ҳаётда анъаналар билан янгиликлар орасида ҳамиша кураш бўлган. Умрбод риоя қилиб келинган одатий нарсалардан воз кечишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Лекин ҳар бир нарса эскирганда янгиланиш зарурати туғилади. Урф-одатларни, турли ақидаю маросимларни яратувчилар ҳам, уни янгиловчи, ўзгартирувчи ҳам одамларнинг ўзлари. Яшаш тарзини қийинлаштираётган, одамларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мушкул аҳволга солаётган ақидалардан воз кечишни давр талаб этиб турса, нега бу янгиликка амал қилмаслик керак? Бундоқ қараганда, Музработ ҳам, Бойсун ҳам бир воҳа – она Сурхон тупроғи-ку!

— Ўйлаб ўйимга етолмадим, — дейди Юсуф Вализода Дарбандий, — ниҳоят ўша пайтдаги Музработ тумани ҳокими Шамсиддин Орипов қабулига маслаҳатга кирдим. Дарбандликлар учун Музработда алоҳида қабристон учун жой ажратиб берилса, балки бу муаммо ўз ечимини топар, деган фикрни ўртага ташладим. Ҳоким мардлик қилди. 2010 йилнинг 10 февралида қабристон учун тумандаги заҳира ерлардан ўн ярим гектарни ажратиш ҳақида қарор чиқарди. Шунда ҳам вазият ўзгармади. Бу орада талай дарбандликлар оламдан ўтиб кетди. Аҳвол эса ўша-ўшалигича қолаверди... Қабристон бор, қабр йўқ!

Оға-инидек яқин бўлиб кетган икки дарбандлик дўст бир пиёла чой устида обдон ҳасратлашишибди. Ўзларини ўзлари койишибди. Юртдошларидан ёзғиришибди... Дўппиларини бошларидан олиб қўйиб, мушкулотдан қутилиш йўллари ҳақида ўйлашибди... Карим исмлиси бир таклифни ўртага ташлабди:

— Оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин, илоҳим! Лекин улар пишиб турибди... Биласанми, иним, агар онам ҳаётдан кўз юмсалар, у кишини дарбандликлар учун ажратилган қабристонга қўйганим бўлсин... Шу билан қабристон эшигини очсак, қавмимизни йўл азобидан қутқарган бўламиз.

— Яшанг оға, мен ҳам сиз тутган йўлни тутганим бўлсин... Икковлари аҳду паймон қилишиб, қўл ташлашибди.

Кўп ўтмай Каримжоннинг онаси Робия момо 78 ёшида оламдан ўтади. Дарбандга шум хабар кетади. Ўғил сўзидан қайтмайди. Қариндош-уруғлар орасида келишмовчилик бошланади. Тоғалар ва холалар бир тараф — маййитни Бойсунга олиб кетамиз, деган қатъий қарорда, Каримжонлар бир тараф...

Орага маҳалла оқсоқоллари, ҳокимият, ички ишлар вакиллари тушадилар. Улар маййитни дарбандликлар учун ажратилган қабристонга қўйишни айтиб, сарсонгарчиликлардан қайтарадилар. Маҳалла оқсоқолларидан бири — Эгам Шукуров ўртага чиқади. Маййитни куттириб қўйиш яхши эмаслигини, унинг Музработда дафн этилишини айтиб, қабристон номини унга қўйилган биринчи марҳум номи билан "Биби Робия" деб атаймиз, дейди.

Маросим иштирокчиларининг нигоҳи марҳум фарзандлари, қариндошуруғларига қаратилган, қишлоқ аҳли ниҳоятда беҳаловат эди...

Робия момонинг қизи Тўфа гоҳ акаси, гоҳ опасига ёшли кўзлари билан жовдирар, бу имо-ишораларда халққа, улуғларга энди нима деб жавоб қиламиз, деган маъно бор эди... Мардлик қилиб, оғзига сўз олган ва ҳамон ўз сўзида турган акаси Каримжон жудолик қайғусиданми, тили калимага келмасди... Нима қилсин? Муаммо ё бугун ёки ҳеч қачон ҳал бўлмайди. Ҳал этилмаса, 61 йил давом этиб келаётган азоб яна 61 йил, балки ундан ҳам кўп, балки абадулабад шу алфозда давом этиши ҳеч гап эмас. Акаси бошлаб берган мардлик, жасорат унга куч беради. Тўфа шаҳд билан одамлар олдига қандай чиқиб келганини ўзи ҳам сезмай қолади. У оила номидан онаизорини Музработ қабристонига қўйилишига рози эканлигини, шу билан бу қишлоқдаги дарбандликларнинг оворагарчилиги барҳам топса, яхши иш бўлишини айтади.

Ҳаммани қийнаган масала ҳал бўлади. Дафн чоғида имом:

— Момомизнинг жойлари жаннатдан бўлсин! Илоҳим ислом дини тарихида ёруғ нур мисол чақнаб турган машҳур сўфий аёл, отдошлари бўлмиш биби Робия даражасида азиз қилсин. "Биби Робия" номи билан аталган бу маскан ўтганларга пар тўшак, жаннатдан дарак макони бўлсин! — дея дуо қилади.

Бир зумда одамлар ўй-уйларига тарқаб, қабристон ҳувиллагандан ҳувиллайди... Онаизори қабрига бағрини бериб, дод солиб ётган Тўфа бошини кўтарганда оқшом чўкаётганди. Чор-атроф манзараси юрагига ваҳима солади... Қабристоннинг тўрт томони очиқ — на девор дармиёни ва на дарвозаси бор, бий дала... Нақ қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган дашту биёбон, қарғаю қузғунлар емиш талашиб чўқишар, ёввойи иту мушуклар пана-панада уларни писиб пойлашарди...

Тўфа довдираб қолади. Қабристонни бу қадар хароба аҳволда, деб ўйламаганиданми, жаҳаннамдек кўринган бу ерга онасини топшириб қўйганидан изтиробга тушади. Агар ёнида акаси, опаси, укалари ёндош турмаганида аҳволи бундан беш баттар бўларди! Бундоқ қараганда, уларнинг олдида ҳам юзи шувит, ахир улар номидан элга ризолик бериб юборди...

Айтилган сўз — отилган ўқ! У ўрнидан туради. Қабр узра бошини эгди ва шундай деди:

— Мени кечиринг, фариштам онам, сиз ётган бу чўлу биёбонни гулистонга айлантиришга сўз бераман...

Фарзандлар ўша куни оналари бошида тунни ўтказишади. Эртаси ҳам, индинига ҳам... Қоро тунлари қабристон машина фараси ёки беҳисоб шамлар ёғдусида чарағон бўлиб кетади. Кечаси ўғиллар, кундузи қизлар оналари бошида посбон бўладилар. Бундай маломат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Қиш ойининг сўнгги кунлари, баъзида совуқ ачитар, қор бўралар, баъзида қор-ёмғир аралаш ёғиб, устбошлари жиққа хўл бўлар... Уйлари билан қабристон оралиғи йўлга айланади... Қизлар ака-укаларининг ёмғирга жиққа ботган кийим-кечакларини алмаштириш, ош-нон ташиш учун қабристон билан уй оралиғида бўзчининг мокисидай қатнагани қатнаган эди.

Биби Робия билан Жума Боймуродов фарзандлари довруғи оғизга тушади. Киройи фарзандинг бўлса шундай бўлсин, деган дуои каломлар аллақачон Музработ оша қўшни туманларга ҳам ёйилади...

Шундай қилиб, Робия момо қабрга қўйилганига 76 кун деганда, бибининг ҳамқишлоғи Шодимурод ота ҳам қайтиш қиладилар... Ўша куниёқ ёнма-ён қабрлар узра темир қўрғон ўрнатадилар. Икки қадрдон ҳамқишлоқ бирбирига ака-сингилдай эш, қўриқчи мисол ётганларидан кўнгиллари бироз таскин топадими, фарзандлар икки ярим ой деганда биринчи бор ўз уйларида тунайдилар...

Тўрт томони ҳайҳотдай очиқ дашту биёбонга оналари хоки қўйилганидан изтиробга тушган ўғиллар қабристонга девор олиш ташвишига тушадилар. Иш бошланиб кетади. "Дарбанд" маҳалла аҳли баҳоли қудрат ўртага пул ташлаб, маҳалла оқсоқолларидан Жума Ёвқочдиев ва Жуманазар Исматов ҳайбаракалласи билан уларга ёрдамга ошиқадилар. Ҳашар йўли билан ўн ярим гектарлик қабристон тош девор билан ўралади. Тадбиркор Феруз Султонов унга темир дарвоза ўрнатади. Қабристонга иккинчи дарвозани ака-укалари билан Собир Жумаев ўрнатади. Тоҳаратхона дейсизми, соябонлар дейсизми, маҳалла фаолларидан Умид Бобоев, Беҳзод Йўлдошев саховати туфайли қуриб битказилади. Ҳашар йўли билан қабристон хас-хашаклар, чақир тиканаклар, чиқит уюмларидан тозаланади... Қуръон оятларидан тиловат қилинади. Дуои каломлар тўхтамайди... Қўллар ҳар фотиҳага кўтарилганида қабристонни обод қилаётганлар қаторида Робия момо фарзандларининг номи ҳам тилга олиниб, улар шаънига энг эзгу истаклар айтилади...

Аммо қабристонга "Биби Робия" номини бериш осон бўлмайди. Айрим мутасаддилар момо ҳеч қаерда хизмат кўрсатмаган, у кишининг номини қўйиш қонунан тўғри эмас, деб оёқ тираб туриб олади. Тўфа Боймуродова эса токи қабристонга онаси номи берилмагунга қадар тинчимайди. 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасига мурожаат қилади ва эзгу нияти рўёбга чиқади.

Кўзга ташланмайдиган, кўзингга оддийгина, жуда ҳам одмигина кўринган одамлар қалбидаги битмас-туганмас маънавият жавоҳирлари яширинганига мисол шу эмасми. Сурхоннинг оддий қизи умр бўйи ҳалол меҳнати орқасида бир бошпанага эга бўлиш учун йиғиб юрган, тишининг кавагида асраган маблағини қабристон ободончилиги учун сарфлаб юборди. Ҳозирда у ижара уйда яшайди. У ҳам тўкин-сочин, фароғатда яшашни, сайру саёҳатларни, Маккаю Мадинани зиёрат қилиб қайтишни, эл қатори кичкина бўлса ҳам машина сотиб олиб юртдошлари, қариндош-уруғлари ҳузурига Музработга ҳайдаб кириб боришни орзу қилганди... Буни қаранг-ки, онаизори ётган қабристонни обод қилиш, яшнатиш иштиёқи ҳамма орзуларидан устун келди. Ваҳоланки, йиққан маблағлари ҳамма орзу ҳавасларига етиб-ортарди.

Тўғри, у қабристонга гулу кўчатлар экиб, бу масканни қанчалик обод этмасин, марҳумларга жон ато этолмаслигини яхши билади. Лекин у марҳумларни бағрига олган она тупроққа жон ато этмоқчи. Бу боғу эрамлардан ўтганлар ҳам, уларни йўқлаб келаётганлар ҳам баҳраманд бўлишига ишонади.

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Суд залидан

Бировни алдаб, мўмай пул топишни касб қилиб олганларни учратганмисиз? Худо кўрсатмасин, албатта! Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судида ўзганинг мулкини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан такроран жиноятга қўл урган Акбар Абдуллаев ҳамда Дониёр Эгамбердиев (*исм-фамилиялар ўзгартирилган*) ана шундай "ноёб" тоифадан.

Ўғрини қароқчи ураверди

Бир-бирини яқиндан танимаса-да, жиноятчилик бобида шерикка айланади. Акбар Абдуллаев 2017 йил январь ойида Учтепа туманининг 11-даҳасида Муҳаммаджон Омоновнинг «Нексия»сини 5000 АҚШ долларга баҳолаб, бирламчи тўлов сифатида минг доллар беради ва "харид қилади". Қолган 4000 АҚШ долларини 6 ой давомида тўлаб боришини айтиб, уни алдайди. Сўнг Андижон бозорида машинани Дониёр Эгамбердиевга 4200 АҚШ долларга пуллайди.

«Ўғрини қароқчи урди» деганларидек Дониёр Эгамбердиев ҳам Акбар Абдуллаевга 1000 АҚШ доллар бериб, қолган 3200 АҚШ долларни 12 ой давомида бўлиб, ойма-ой бериб боришга ваъда қилади. Бу пайтда А.Абдуллаевнинг бошқа қилмишлари очилиб, қамоққа олинади. Шундай қилиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш масаласи Д.Эгамбердиевни ташвишга сола бошлайди. Муҳаммаджон Омоновни қидириб топиш ўрнига, ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг режасини тузади.

2017 йил 2 май куни Наманган шаҳрида Илҳом исмли таниши орқали тирик банда — Муҳаммаджон Омоновнинг 2016 йил 3 февралда «вафот этганлиги» боис «Нексия»ни қайинсинглиси Дилдора Ҳасановага мерос қолдирганлиги ҳақидаги сохта ҳужжатларни тайёрлайди. Тошкент шаҳар 6-давлат нотариал идораси нотариуси Ж.Самадов имзоси билан тасдиқланган ва муҳр босилган қалбаки гувоҳномани қўлга киритади. 2017 йил 19 июнь куни қайинсинглиси Д.Ҳасанова номига ААС №7176195 серияли «Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси»ни расмийлаштиради ҳамда автомашинанинг давлат рақамини 50 С 045 МА рақамига алмаштириб, яна бир жиноятга қўл уради. Фирибгарликни касб қилиб олган Д.Эгамбердиев бу гал Б.Бекмуродовни тузоғига илинтиради. 3300 АҚШ доллар эвазига Б.Бекмуродовга машинанинг калитини тутқазади. Табиийки, автомобиль ҳужжатларини кейинчалик расмийлаштириб беришга кўндиради. Пулни эса "ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади".

Орадан маълум бир муддат ўтиб, Б.Бекмуродов автомашинани янгисига алмаштиришга қарор қилади ва эскисини таниши С.Қосимовга сотмоқчи бўлади. Расмийлаштириш учун эса Д.Эгамбердиевнинг розилиги керак. Хуллас сарсон машина энди С.Қосимов номига қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади.

Бу вақтда автомашинанинг ҳақиқий эгаси Муҳаммаджон Омонов даъво аризаси билан милицияга ариза беради. Тошкент шаҳар ИИБ ходимлари текширувлардан сўнг С.Қосимов номига расмийлаштирилган машина олиб қўйилади. Чорасиз қолган яна бир одам фирибгарнинг қурбонига айланади.

Бу жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов жараёнида Ж.Самадов имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланган ҳужжат сохта эканлиги аниқланади. Тошкент шаҳар Учтепа туман суди биносида Акбар Абдуллаев ҳамда Дониёр Эгамбердиевнинг қилмишлари кўриб чиқилиб, ҳукм ўқилади. Жиноятчилар жазосини олади.

Бошқача бўлиши мумкинми эди!

Нозим БЎРОНОВ.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, 30-ўрта мактаб томонидан Хикматов Ғайрат Исматиллаевичга 1994 йилда берилган А № 451534 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Марҳум Усманов Умарга тегишли Олмазор тумани, Иброҳим ота кўчаси, 35-уйнинг кадастр ҳужжатлари ва уй плани йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Замондошимиз

Яшаган одам кўраверади. Хўш, яшашдан мақсад нима ўзи?.. Шу ўринда ҳар ким ўзигаўзи бир савол билан мурожаат қилиши керак: "Мен қандай яшадим, бундан буён ҳаётимни қай тарзда давом эттирмоғим лозим?"

"Овоза қилиш шартмикин?.."

Ибрат бўлиши учун ҳам керак!

Ҳа, азизлар, ўтган умр кетди, бундан буёғига қандай яшамоқ кераклиги учун хулоса чиқармоқликка вақт етди...

Улуғвор масъулиятни тўғри тушунганлар аллақачон ўзларини ўнглаб олдилар, қимматбаҳо умрнинг ҳар дақиқасини увол қилмай, юксак вазифалар ижросига киришдилар. Шундайлардан бири Ватанимизнинг гўзал ва сўлим масканларидан бўлмиш Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Сайёра Файзиевадир...

Бирор инсон, айниқса, аёллар хусусида катта гаплар айтиш жуда мушкул. Чунки ҳаёт машаққатлари, зиммаларидаги минг хил машаққатлар, майда-чуйда икир-чикирлар, қолаверса, айрим калондимоғ, уларни менсимайдиган эркаклардан ортиб, катта майдонга чиқишлари ниҳоятда оғир кечади. Хайриятки, ташаббускор, билимдон, иқтидорли, қолаверса, шиддатли аёллар ўзларини намоён айлаши учун ҳозирги давримизда барча шароитлар яратилмоқда, кенг имконият йўллари очилмоқда. Оғир машаққатларни мардонавор енгиб ўта олган ибратли аёллардан бўлмиш Сайёра Мавлоновнанинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, бунинг ёрқин исботини кўрамиз...

Қизалоқ етти ёшга етганда оғир жудоликка учради: онажонидан айрилди. Мавлон ака Яратганнинг бу синовига мардонаворлик билан бардош берди. Жонажон ёстиқдоши бўлмиш Аноржоннинг бот-бот эслатмалари ёдига тушди: "Адаси, қизимизни келгусида албатта дўхтирликка ўқитишимиз керак!"

Сайёрахон сабр-бардошли бўлиш, машаққат ва ҳар хил тўсиқларни енгиб ўтишга ёшлигидан ўрганди. Қаттиқ киришиб, онаси васиятини ўринлатди: малакали шифокор бўлди. Онажониси дардига дармон бўла олмаган эса-да, одамлар корига яради, сабр-бардоши, ҳақиқатпарварлиги туфайли ўз ишининг устаси сифатида эл оғзига тушди. Энг муҳими, ўзи туғилиб ўсган Паргис қўрғонининг катта-ю кичиги ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди...

Қодир Оллоҳнинг карами кенг, Сайёрахонга ўзига ўхшаган ориятли, олижаноб ва саховатли йигит умр йўлдоши бўлди. Ҳаётда энг муҳими ҳам шу! Яйраб-яшнаб яшаш, фарзандларга мукаммал таълим-тарбия бериш, бир-бирларига ишонч, меҳр-муҳаббат сингари ҳаётий заруратларда оила бошлиғининг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Саховатлилиги бобоси Файзи отадан мерос Фарҳоджон кўмагида Сайёрахон эмин-эркин меҳнат қилди. Мудом муҳтожлар корига яради. Шу туфайли раҳбарлик вазифаларига кўтарилди ва ҳар бир босган қадамини оқлаб яшади. Бу бахтли оилада дунёга келган уч ўғил ҳам вояга етиб, Ватанимиз ва халқимизга ҳалол хизмат қилмоқда.

Эндиликда ҳаммамиз кўриб-билиб турган шундай бир давр келдики, барча соҳада, айниқса тиббиётда кадрлар танқислиги сезилиб қолди. Бизнинг Бўстонлиқ туманида бу ҳол рўй-рост намоён бўлаётир. Сиртдан қараганда ҳам ҳудудда маҳаллий раҳбар кадрлар етишмасди. Бошқа томонлардан юбориладиган раҳбарлар қўним топа олмаслиги бор гап. Омади чопса, ишлаб юраверади, иши юришмай қолса, дарҳол ғойиб бўладилар. Ўзингдан чиққанни ўзагига тепсанг кетмайди деганларидек, шу жойда туғилиб ўсган инсон, агар ғурур, виждон ва ҳамияти бўлса, астойдил меҳнат қилишга мажбур. Чунки қондошлари қошида обрў-эътибор қозониши ёки беэътибор ва уятли бўлиб қолиши шу нарсага боғлиқ. Хуллас, туманингиздаги оқсаб қолган тиббиёт соҳасини кўтаришга розимисиз, деган таклифга Сайёра Мавлоновна бажонидил рози бўлди. Мана, бир йил ўтиб-ўтмай, туман тиббиёт соҳасининг барча йўналишларида ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда.

Сойлиқ қишлоғида саккиз йилдан бери судралиб келган врачлик пункти ўтган йили август ойида фойдаланишга топширилди. Уч йил олдин қурилиши тўхтаб қолган марказий касалхонанинг туғруқ бўлими ҳам иш бошлади. "Тез ёрдам" хизмати такомиллаштирилмоқда. Тиббий асбоб-ускуналар замонавийлари билан алмаштирилаяпти...

Ҳозир ҳамма шошилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларининг маъзини чақмаган, ташаббуслар билан чиқмаётган, узоқ келажакни мўлжаллаб пишиқ-пухта иш олиб бормаётган хоҳ раҳбар ёки оддий инсон бўлсин, айни куннинг талабига жавоб беролмайди. Буни қалбдан ҳис этган бўстонлиқлик тиббиётчилар муҳим қарорлар ижросига астойдил киришмоқдалар. Хусусан, 1974 йил қурилганича фаолият кўрсатиб келаётган марказий касалхона 2019 йил инвестиция дастури асосида капитал таъмирдан чиқарилади. Шунингдек, Бурчмулла қишлоғи аҳолиси, олис пскомлик инсонлар мукаммал тиббий хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлишади. Хуллас, туманда тиббиёт соҳасини бошқараётган Сайёра Файзиевани учратиб гаплашиш амри маҳол. Шундай бўлганда ҳам: "Қилинаётган ишларни овоза қилиш шартмикин", — дейди камсуқум, камтарин бу инсон. Ибрат учун ҳам гапириш керак, деймиз. Қолаверса, Ватанимиз, халқимиз, бутун дунё олдида ғурурланишга арзигулик ислоҳотларни бошлаган Президентимиз ҳаммамиздан айнан шундай ташаббусларни кутмоқда.

Асад АСИЛ,
ёзувчи.

Маънавий эҳтиёж

1 БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Кўпинча китобсеварлар камайиб бораётганига кундан-кун янгиланаётган ахборот технологиялари, интернет сабаб қилиб кўрсатилади. Унда дунёнинг ривожланган мамлакатлари китоб дўконларида нега охири кўринмайдиган навбатлар кузатилмоқда? Мутахассисларнинг маълумотига қараганда, аслида, китобхонлик даражаси бутун дунёда пасайиб бораётгани ҳақидаги фикрлар ҳам бор. Аммо бунга қарши чоралар кўрилган ва яхши самара бермоқда.

Масалан, Францияда китобхонлик, мутолаа байрами жуда кенг миқёсда ўтказилади. 1989 йилдан бошлаб нишонланиб келинаётган бундай улкан байрам анча пайтгача муҳим саналар қаторида календарга киритилиб, мамлакат маданий ҳаётида катта воқеага айланган. Ҳар йили октябрнинг иккинчи ярмида ўтказилади. Уч кун давом этадиган ушбу тадбир доирасида ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар, янги асарлар тақдимоти, китоб ярмаркалари, марафонларидан ташқари, яхши анъана бор — ҳамма бир-бирига китоб совға қилади. Қисқаси, ана шу уч кун аҳоли бадиий олам билан яшайди.

Буюк Британияда эса 2008 йилда "Миллий китобхонлик йили" деб эълон қилинди. "Оилада биргаликда ўқиш" шиори остида кўплаб тадбирлар ўтказилди. "Кутубхонага аъзо бўлиш кампанияси"да ота-оналар фарзандлари билан бирга маҳаллий кутубхоналарга жалб қилинган бўлса, "Ўйқу олдидан ўқиш" тадбири оила аъзоларининг барчасини китобхонликка ундайди. Мамлакатдаги китобхонлик бўйича агентлик ўсмирлар дунёқарашини кенгайтириш, китоб танлаш ҳамда ўқишга қизиқтириш учун махсус веб-сайт яратган ва унда сара асарлар бериб борилади.

Финляндиядаги кутубхоналар тизими кишини янада ҳайратга солади. Хизмат кўрсатиш ва қулайлик даражаси ғоят юқори. Бу — давлат ва жамоатчиликнинг кутубхоналарга алоҳида эътиборидан далолат. Мамлакатнинг 80 фоиз аҳолиси мазкур хизматдан унумли фойдаланади. Ҳар бир кутубхона ўзига хос дизайнга эга ва махсус логотипи билан машҳур. Муҳими, барча кутубхоналар хизматидан, интернетдан бепул фойдаланиш мумкин.

Қисқаси, бундай мисоллар кўп. Энди дунё китобхонлик даражаси бўйича ўтказилган рейтингларга эътибор берайлик. "NOP World" ташкилоти мутахассислари ўтган йили ўтказган тадқиқот-сўров ёрдамида кишилар бир ҳафтада ўртача қанча вақтини ўқишга сарфлаши аниқланган. Кучли тўққизталик орасида Ҳиндистон китобсеварлари биринчи ўринни эгаллаган. Улар ҳафта давомида ўн соат вақтини ўқишга сарфлар экан. Рейтингда Таиланд аҳолиси иккинчи (тўққиз соат), хитойликлар учинчи (саккиз соат) ўринда турибди. Кейинги ўринлар Филиппин, Миср, Чехия, Россия, Швеция, Венгрияга насиб этган.

ЎЗИМИЗДА-ЧИ, АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Бизда бундан ҳам кўпроқ вақтини ўқишга сарфлайдиганлар бор. Бу ҳақда юқорида бироз тўхталдик. Китобсеварликка пойдевор, аслида, оилада қўйилади. Келинг, кейинги босқич — қуйи поғона ўқув даргоҳларидаги аҳвол билан ҳам танишиб кўрайлик.

— Мактабимиз 2007 йилда ташкил топган. Ўша пайтда кутубхонамизда бирорта ҳам бадиий китоб йўқ эди, — дейди Учқудуқ туманидаги 20-умумтаълим мактаб директорининг ўринбосари Марҳабо Сафарова. — Ҳар йили март ойида "Мактаб — кутубхона — оила — жамоат ташкилоти" хайрия марафонини ўтказа бошладик. Ҳомий ташкилотлар, ота-оналар кутубхона фондимизни бойитишга анчагина ҳисса қўшди. Айни вақтда бадиий китобларнинг ўзи уч минг нусхадан ошди. Жорий йилдаги марафонда ўн миллион сўмдан зиёд маблағ тушди. Тадбир доирасида "Бир болага — уч китоб", "Фарзандимга китоб олиб бераман" акциялари ўтказилади ва фаол ўқувчиларга китоб тақдим этилади.

Мактабимизда яна бир анъана йўлга қўйилган. Пайшанба, жума кунлари дарс бошланишидан ярим соат аввал "Китобхонлик соати" деб эълон қилинган. Бу жуда қизиқарли. Ҳар бир ўқувчининг қандай китоб ўқиётгани аниқланади ва унинг мазмунини сўзлаб беришади. Кейинги гал ўқитувчи бирор янги асар ҳақида маълумот берса, бошқа сафар бирор асар ўқилиб, муҳокама қилинади. Бундан ташқари, ҳар ой "Энг китобхон ўқувчи" аниқланиб, унга махсус вемпел топширилади. Саф йиғилишида мингдан зиёд ўқувчи, юздан ортиқ ўқитувчи олдида ушбу вемпелни қўлга киритган ўқувчига тенгдошлари ҳавас қилади ва унга ўхшашга интилади. Мақсадимиз ҳам шу, аслида. Бошланғич синфларда эса "Китобхон ўқувчи ва ўқитувчи" танлови ўтказилади. Унда тўрт ўқувчи синф раҳбари билан бирга қатнашади. Баҳс ғоят қизғин бўлади. Бундай уринишларимиз ўз самарасини беряпти, албатта.

Ўтган йили "Бобом-бувим, отам-онам — мен китобхон" кўрик-танловининг республика босқичида 8-синф ўқувчиси Маржона Мардонова оиласи билан қатнашиб, учинчи ўринни эгаллади. 2018 йил сўнггида Учқудуқ туман халқ таълими томонидан илк бор ташкил этилган "Энг яхши китобхон раҳбар" кўрик-танловида эса директоримиз Насиба Рўзиева биринчи ўринни қўлга киритиб, барчамизга ўрнак бўлди. Туман миқёсида ўтказилган яна бир "Энг китобхон ота-она" танловида тарих фани ўқитувчиси Нодира Маҳмудова "Энг билимдон китобхон" номинациясига муносиб кўрилди. Буларнинг барчаси яхши, китобхон ўқитувчи ва ўқувчиларимиз кўп. Аммо бир холдан кўнгил тўлмайди. Биз севиб ўқиётган асарлар асосан ўн тўққизинчи, йигирманчи аср адабиёти вакиллари қаламига мансуб. Бугунги замондош ёзувчиларимиз-чи?.. Уларнинг сара асарлари нега кенг тарғиб қилинмаётир?..

"ҲАР НЕКИ КЎНГУЛДА БОР – ТИЛГА СУРМА"

2017 йил 3 август куни давлатимиз раҳбари юртимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги керак ва бунга йўл қўймаймиз, деб барчани ҳушёрликка чақирган эди. Бу даъват бежиз эмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Сара асарларга эҳтиёж борлиги ҳақида гап кетар экан, уларнинг ўрнини эгаллашга уринаётган "бозор адабиёти"ни ҳам эслашга тўғри келади. Кўп таъкидланаётганидек, бугун китоб чиқариш масаласида ҳам муаммолар йўқ эмас. Ҳозир хатто мактаб ўқувчиси учун ҳам бу иш чўт эмас. Аллақачон уч-тўртта "китоби"ни чоп эттириб, ўзини ёзувчи ё шоир санайдиган ёшлар кўпайиб қолди. Уларнинг тенгдошларида эса, демак, китоб чиқариш, у қадар мураккаб иш эмас экан, деган жўн хулоса шаклланиб улгурмоқда. *"Сўзни кўнгулда пишқармагунча тилга келтирма, Ва ҳарнеки кўнгулда бор — тилга сурма"*, дейди ҳазрат Навоий. Буюк мутафаккирнинг биргина сўзга бўлган талабига эътибор беринг, уни сўзловчи учун қанчалик заковат, фаросат зарурлигини уқтирмоқда. Минг афсус, бутун бошли китобларни чоп эттириб, ана шу масъулиятни зиммасига олмаётган "ёзувчилар" бор.

Аслида, бу гаплардан нима наф? Ушбу бадиий-нобадиий жараёнга холис назар солиш вақти етмадими? Кунига уч маҳал овқатланиш — жисмоний эҳтиёж, уни қондирмасак, силламиз қурийди. Лекин бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ инсонда маънавий эҳтиёж ҳам бор, бу — китобхонликдир.

Холида ФАЙЗИЕВА,
журналист.

Талқин

Мўъжизавий дарахт

Мабодо, ёнғоқ бўлмаганида, балки Ер юзида мавжуд 3000 турдан зиёд жами дарахт ва буталар ажаб кўримсиз ва ғариблигича қоларди...

Нега дерсиз? Чунки мўъжизавий ёнғоқ мевасининг ўта тўйимли ва микроэлементларга бойлиги, инсоннинг ақлий ва жисмоний фаолиятини кучайтириши, ўзи ўсаётган жойда барча дарахтларга "ҳомий"лик қилиб туриши, унинг ўта мустаҳкам ёғочидан тайёрланган жиҳозларнинг умрбоқийлиги тўғрисидаги тадқиқотлар катта рисолага жо бўлади. Аслида, бу дарахтнинг баргидан томиригача барча қисмлари қимматли хомашё! Ҳаттоки, танасидан бўртиб чиққан ғудаси ҳам "кап" деб аталиб, жаҳон бозорида кумуш қийматида баҳоланиб келинади.

Мухтасар айтганда, ёнғоқда бўлган антиқа хусусиятлар дунёда бошқа бирон-бир дарахтда учрамайди. Олимлар буни аллақачон исботлаб қўйганлар.

Тақдир тақозоси билан олис Африкада яшаб, ишлаб юрган пайтимда, табиатда жуда кўп, хилма-хил, камёб (мевали ва мевасиз) дарахт ва буталарнинг турларини учратиб, озми-кўпми ўрганганимдан сўнг, айниқса, "Жазирама қитъа" рамзи ҳисобланган (ўзим яшаб турган жойда ўсаётган, ёши 2500 йилдан ортган) улкан баобаб, кажю ва хуштаъм ата дарахтларининг мевалари-дан тотиб кўрганимдан сўнг ўзаро таққослаб кўриб, барибир ўзимизнинг ёнғоқнинг нуфузи улардан бирмунча юқори эканига гувоҳ бўлганман.

Кези келганда шуни айтсам... Бир қадрдон дўстимникида бундан юз йил аввал ёнғоқдан йўнилган, ўзидан табиий гуллар чиқиб турган, антиквар товоқ бор. Унинг бугунги кундаги хизмати шуки, хонадонга мўътабар меҳмонлар келгандагина, фақат палов солиш учун ишлатилади.

Демак, шундай мантиқий хулоса қилишимиз мумкин: ёнғоқ, ҳеч шубҳасиз, наботот оламида жами дарахт ва буталар сарсултони!

Дурбек ҚЎЛДОШЕВ.

Мулоҳаза

Уйимиз яқинидаги дўконга кирмоқчи бўлиб тургандим, ундан онасини ҳолижонига қўймай чиқаётган қўшнининг боласи эътиборимни тортди. У онасига "трол" расмлигидан олиб беринг, деб жанжал қилаётганди. Бола йиғисига чидолмай, "юринг, мен олиб бераман", деб уларни дўконга бошлаб кирдим.

Қачонгача?

Бола бирдан шарбатга ёпишди. Қарасам, мева шарбати. Унинг юзида эса бир-биридан ҳунук "трол"лар расми бор. Чиқиш санаси ёнида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган", деб ёзиб қўйилганди. Ана холос...

Мени ажаблантиргани, «Трол» ўзи нима? Бола унинг асл маъносини билмас, ота-онаси? Мен бола "трол" расми борини танлаганига ажабланмадим. Чунки, телевизорда хориж мультфильмларини ҳар куни кўрсатишади. Боланинг назарига "трол" ўрнашиб қолган. Хатарли томони, унинг маънавий оламига ўрнашмадимикин?

Кўпинча эрталаб дарсга кетаётганимда рўзғор чиқиндисини салафан пакети билан уйнинг тагига қолдириб кетишганининг гувоҳи бўламан. Атроф бадбўй ҳидга тўлади. Айниқса, нон қолдиқлари ерда сочилиб ётади. Ахир, нонни уволи кўзга таъсир қилади-ку!

Албатта, бу кимнинг иши эканлиги сирлигича қолаверади. Ҳеч ким бўйнига олмайди. Аммо, оилада тарбия муҳити бузилса, кўнгилнинг маънавий олами саёзлашиб қолса, у каттами ё кичикми, бари бир атрофга бефарқ муносабатда бўлади. Боланинг онгига кучли таъсир кўрсатадиган ҳар хил рекламаларни эфирга узатишда, дўппини бошдан олиб, мулоҳаза қилиш керак. Уни боласига қўшилиб ота-она ҳам кўради...

Шундай экан, нега миллатимиз руҳиятига мос ўз қаҳрамонларимизни телевизорда реклама қилмаймиз? Тарбиявий аҳамиятга молик мультфильмларимиз бор-ку! Масалан, «Зумрад ва Қиммат», «Уч оғайни ботирлар»...

"Болажон" телеканалида янги мультфильм қаҳрамонига кастинг эълон қилинди. Унда болалар ўзлари ўйлаб топган қаҳрамонини ўз ижоди орқали ёритиши айтилди. Беихтиёр ўйлаб қолдим, болалар қайси мультфильм қаҳрамонини ёритар экан?..

"Гулхан", "Ғунча" журналларини кузатиб бораман. Уларда миллий либосдаги ўз қаҳрамонларимизнинг расми берилади. Бемалол мультфильм қаҳрамони даражасига кўтарса бўлади. Қолаверса, «Жажжи академик» журналининг бош қаҳрамони «магистр бола» логотипи ҳам жуда ажойиб, шунингдек, комикслар йўқ эмас. У, яъни жажжи академик ҳар қандай ижтимоий муаммони ҳал қилишда болаларга ёрдам беради. «Жажжи академик»нинг ҳаракатларидан мультфильмлар ишланса, болани беэътибор қолдирмайди. "Суперман"дан кам эмас. Гап уни юзага чиқаришда!

Ўзимизда тарбиявий аҳамиятга эга, миллий қаҳрамонлар бўла туриб, нега болалар учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қутисига, юрт танимас, хориж "алвастилари" қўйилади? Ҳозирча ҳайвонлар билан макон талашган "трол"ларнинг мантиқсиз ҳаракатларига маҳлиё бўлиб яшаяпмиз. Бу қачонгача давом этаркин?

Адиба МЕЙЛИЕВА,
талаба.

Тафаккур

Яхшини ёмон кунда сина

Яхшини ёмон кунда сина.
Амир ТЕМУР
(Буюк давлат арбоби, 1336-1405 йилларда яшаган кучли марказлашган давлат асосчиси)

* * *

Товус деҳқоннинг уйида яшамаганидек, ҳақиқат илми ҳам ҳар анойининг мулки бўла олмайди.
Жалолиддин РУМИЙ
(Шарқ мутафаккири)

* * *

Ҳар бир ишни худди ҳаётингдаги энг охирги ишдай бажар.
Марк АВРЕЛИЙ
(121-180 йилларда яшаган Рим императори, файласуф)

* * *

Тавба қилишга майли бўлмаган кишини тузатиб бўлмайди.
АРИСТОТЕЛЬ
(Милоддан аввалги 384-322 йилларда яшаган юнон файласуфи)

* * *

Яхши кишининг хонадонидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ дўзахдир.
Заҳириддин Муҳаммад БОБУР
(1483-1530 йилларда яшаган шоир ва давлат арбоби)

* * *

Душманинг билмаслиги зарур бўлган гапни дўстингга ҳам айтма.
Артур ШОПЭНХАУЭР (1788-1860 йилларда яшаган немис донишманди)

* * *

Димоғдор киши бошқаларнинг кеккайишини ёмон кўради.
Бенжамин ФРАНКЛИН (1706-1790 йилларда яшаган америкалик олим ва давлат арбоби)

* * *

Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитади.
Ав-ЗАМАХШАРИЙ (1075-1144 йилларда яшаган улуғ аллома).

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Адади: 2570
Буюртма — V-3249
1 2 3 4 5

Топшириш вақти — 20⁰⁰
Топширилди — 21⁴⁰

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Қ.Очилов. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.